БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 227 (17.807). • 2 октябрь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.



Суратда: мукофотларни топшириш пайти.

(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати 30 сентябрда Катта Кремль саройида Ҳиндистон Республикасининг Президенти Н. С. Редди шарафига зиёфат бердилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам, Президент жаноблари,

Хонимлар ва жаноблар, ўртоқлар!

Бугун биз дўст мамлакатдан келган меҳмон — Ҳиндистон Республикасининг Президенти, ҳурматли Редди жанобларини табриклаяпмиз.

Президент жаноблари, Сизнинг визитингиз мамлакатларимизнинг Совет — Ҳиндистон дўстона алоқаларини бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муддаосини яна бир карра тасдиклаб турибди. 1971 йилги шартномага тўла мувофиқ равишда бу алоқаларнинг кўлами йил сайин кенгаймоқда. Тобора кўп қиррали характер касб этмоқда, уруш хавфига қарши, Оснёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда тобора равшанроқ салмоқли омил бўлиб майдонга чиқмоқда.

Халқаро вазият, шу жумладан Осиё қитъасидаги вазият шу кунларда мураккаблашиб қолди. Бу вазият кескинлашувининг сабабларини тушуниш қийин эмас. Бир неча саволни ўртага кўйиш кифоя килади.

Вьетнамга ким ҳужум килди, унинг тинч шаҳар ва қишлоқларини ким яксон килди? Бу агрессияни ким рағбатлантириб турди? Халқи фақат бир нарсани — осойишта янги турмуш куришни истовчи Кампучияга шу пайтгача ким тинчлик беомаянти? Афғонистон аксилинқилобчиларини кимлар ташкил этиб, ким йўлга солиб турибди. Покистонни кимлар ўз кўшниларига карши гиж-гижламоқда? Кимнинг авианосецлари ва махсус бўлинмалари Форс кўрфази ва Қизил денгиз ҳавзасидаги мустақил давлатларга доимо таҳлика солиб турибди. Ҳинд океани ҳавзасида, Яқин, Ўрта Шарқ ва Африка мамлакатларида ким янги ҳарбий базаларни вужулга келтиримоқда?

Бу саволларга кайтариладиган жавоблар ҳозирги дунёда хатарли кескинлик қаерда чиқаётганини равшан кўрсатади.

Кўни кеча жаҳон аҳли Совет Иттифоқига дўст бўлган икки кўшни мамлакат — Эрон билан Ирок ўртасидаги харбий можаронинг шохиди бўлди.

Икки халкни ўзлари учун мураккаб даврда бир-бири билан шунчаки фожнали англашилмовчилик тўкнаштириб кўйди, деб ҳисоблаш кийин. Йўк, бу можаро алангасида кимлардир кўл ишитиб олишга очиқдан-очик уринмоқдалар.

Хўш, улар ким ўзи? — деб сўрарсиз. Булар — Яқин ва Ўрта Шарқда империализмга карши бўлган кучларнинг жипслигини ёктирмайдиган кимсалардир. Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ нефти устидан ўз контроллигини ўрнатиб олиш истагида бўлган, Эронни яна ҳарбий базага ва империализмнинг жандармчилик постига айлантиришни орзу килаётган кимсалардир.

Ўзаро вайронгарчиликларидан, кон тўкишдан, бир-бирининг экономикасига путур етказишдан Ирок ҳам, Эрон ҳам ҳеч бир манфаат кўрмайди. Шу регион халкларининг манфаатларини мутлақо ўйламайдиган учинчи томонгина наф кўради.

Совет Иттифокига келганда шуни айтиш керакки, биз Эрон билан Ирокнинг ўз ўрталаридаги низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этишлари тарафдоримиз. Бугун ҳал этиш мумкин бўлган масалаларни улар иноклик рухида ҳал этсалар, бугун ҳал эта олмайдиган масалаларини эса эртага колдирсалар яхши бўлур эди. Эҳтимол эртага бу масалани ҳал этиш осонрок бўлар.

Умуман биз ҳозирги давримизда уруш айниқса Яқин ва Ўрта Шарқ сингари асабийлашиб турган марказда уруш давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш воситаси бўлиши мумкин эмас ва бўлмаслиги керак, деб хисоблаймиз.

Бизга улуғ Ленин васият килиб колдирган бутун тинчликсевар ташки сиёсатимиз инсониятни уруш хавфидан халос килишга каратилган. Шу нарса бизнинг конкрет ишларимизда, амалий ташаббусларимизда ўз ифодасини топмоқда.

Бир неча кун мукаддам Совет Иттифоки БМТ минбаридан тинчликни мустаҳкамлашга ва халқаро мухитни соғломлаштиришга доир тадбирларнинг бутун бир комплексини яна бир бор таклиф килди. Бу йўл ҳозирги дунёдаги реал аҳволни эътиборга олади. Бу йўл халқларга тушунарли ва уларнинг орзу-умидларига мос келади. Бу йўлнинг келажаги порлок.

Тинч-тотув яшаш ва кўшилмаслик принципларига асосланган Ҳиндистоннинг ташки сиёсати муносиб обрў-эътиборга сазовор бўлмоқда. Ҳозирги Осиёнинг атоқли давлат арбоби Индира Ганди ҳоним хукуматининг сиёсати тинчликсеварлиги, соғлом маъноси ва реализми билан ажралиб туришини яхши биламиз.

(Давоми учинчи бетда)

КОСМОСНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚЎШИЛГАН ЯНГИ ҲИССА

КРЕМЛДА СССР ВА КУБА РЕСПУБЛИКАСИ КОСМОНАВТЛАРИГА СОВЕТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

СССРнинг космонавт учувчиси Ю. В. Романенко билан Куба Республикасининг граждани, тадқиқотчи космонавт Арнальдо Тамайо Мендесдан иборат халқаро экипажнинг муваффақиятли учалланган парвози Совет Иттифоқи ва Куба Республикаси халклари ўртасидаги ҳамкорлик, янада кенгайиб, кардошларча ўзаро муносабатлар мустахкамланиб бораётганини намойиш килди. Арнальдо Тамайо Мендес ғарбий ярим шардаги социалистик давлатнинг биринчи намояндаси бўлди. Бу космик эксперимент фан ва техника тараққиётига катта ҳисса кўшди, барча қардош социалистик мамлакатларда халк хўжалик вазифаларининг хал этилишига кўмаклашди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1 октябрь куни Кремлда Ю. В. Романенко билан А. Тамайо Мендеса Совет Иттифокининг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Д. Сербин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, совет космонавтларини тайёрлаш раҳбари авиация генерал-лейтенанти В. А. Шаталов, Куба республикасининг СССРдаги элчиси Северо Агирре дель Кристо, бошка расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Мукофотларни топшириш маросимида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Космос қаҳрамонларига Совет давлатининг юксак мукофотлари топширилиши муносабати билан яна шу ерга тўпландик. Бугун биз мамлакатимизнинг космонавти, космосда Ватан топшириғини иккинчи бор шараф билан бажарган Юрий Романенко билан Куба Республикасининг граждани Арнальдо Тамайо Мендесни табриклаяпмиз.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қабул килган «Интеркосмос» программаси яхши бажарилмоқда. Бир интернационал экипажнинг ўрнини иккинчиси олмоқда, космик станцияда кўпдан бери яшаб, ишлаб келаётган Попов ва Рюмин ўртоқлар эса меҳмондўст мезбонлар ролини ҳалол бажармоқдалар. Улар ўзларининг кийин меҳнатларини давом эттирмоқдалар ва биз чин кўнгилдан уларга тўла муваффақият тилаймиз.

Ҳар бир мана шундай биргаликдаги парвоз инсониятга: социализм — тинчлик эканини, тараққиёт эканини, халқларнинг қардошлиги эканини қайта-қайта маълум килмоқда.

Биз озодлик ороли нинг фарзанди ўртоқ Арнальдо Тамайонинг космосдаги жасорати — бутун Куба халки учун байрам эканини биламиз ва кубалик дўстлар билан бирга кувонамиз.

Аммо бу — кубаликлар учунгина шонли воқеа бўлиб колмай, социалистик Кубанинг граждани Лотин Америкасининг космоса парвоз килган биринчи вакили ҳам бўлди. У кўшилмаслик ҳаракатида катнашувчи мамлакатлардаги юз миллионлаб аҳолининг космосдаги биринчи вакили ҳам бўлди, бу ҳаракатда Куба актив роль ўйнамоқда. Бу — тарихий аҳамиятга молик фактлардир, ўртоқлар.

СССР ва Куба космонавтларининг биргаликда учиши — халкларимиз дўстлигининг янги ёркин намойишидир, албатта.

Ҳали яқиндагина биз мамлакатларимиз ўртасида бепоён океан уфқлари узра кенг ва мустаҳкам кўприк — тинчлик ва дўстлик кўприги солинганини айтган эдик. Ўртоқлар, бугун биз бу кўприк космос кенгликлари орқали ҳам ўтади, деб айтишга тўла равишда ҳаклимиз. Қардошларча ҳамкорлигимиз даражаси мана шундай ошиб бормоқда!

Совет-Куба космик экипажи аъзоларининг мардлиги ва қаҳрамонлиги юксак баҳоланди.

СССРнинг космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Викторович Романенко Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотланди.

Тадқиқотчи космонавт, Куба Республикасининг граждани Арнальдо Тамайо Мендесга Совет Иттифоки Қаҳрамони унвони берилди, унга Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилади.

Азиз Романенко ва Тамайо ўртоқлар! Сизларга космосдаги мардона меҳнатингиз учун, илм-фан олдидаги, қардош мамлакатларимизнинг халқлари олдидаги хизматларингиз учун сизлар сазовор бўлган мана шу мукофотларни топширар эканман, сизларни сидқидилдан муборакбод этаман ва сизларга сиҳат-саломатлик, мамлакатларимиз ва бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида янгидан янги ютуқлар тилайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб иккновингизни қардош Кубанинг юксак мукофоти билан — сизларга Куба Республикасининг қаҳрамони унвони берилганлиги билан ҳам астойдил табриклаймоқчиман. Сизларга кўпдан кўп муваффақиятлар ёр бўлсин, азиз дўстлар!

* * *

Ю. В. Романенко ўз нутқида бундай деди:

Азиз Леонид Ильич, Ватаннинг юксак мукофотини Сизнинг кўлингиздан қабул қилиб олар эканман, зўр кувонч, ҳаяжон ва бахтиёрлик туйғуси мени чулғаб олди. Космик учишни бажаришга берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига ва азиз Леонид Ильич шахсан Сизга самимий миннатдорчилик ва чин кўнгилдан ташаккур билдираман.

Совет-Куба космик парвози социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг астойдил қардошларча дўстлик, пролетар бирдамлиги муносабатларини, уларнинг тинчликка ва ҳар томонлама ҳамкорликка интилаётганликларини бутун инсониятга яққол намойиш килди.

Космонавтлар, Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказининг барча ходимлари Ватаннинг янги, янада мураккаб топшириқларини куч-ғайратларини аямай бажарадилар ва жонажон Коммунистик партиянинг XXVI съездини мунасиб кутиб оладилар, деб Сизни, азиз Леонид Ильич, КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини ишонтираман.

Шундан кейин сўзга чиқкан А. Тамайо Мендес бундай деди:

Муҳтарам Леонид Ильич! Куба Республикасининг граждани, коммунист бўлган менга «Союз» — «Салют» совет космик орбитал комплексида халқаро экипаж составида учишни бажаришдек юксак шараф кўрсатилганлигидан ва Сизнинг кўлингиздан Совет Иттифокининг олий мукофотини олаётганимдан хурсанд ва бахтиёрман.

Бу мукофотни мен Куба Республикасига, унинг қаҳрамон халкига берилган мукофот деб ҳисоблайман. Менинг мамлакатим Лотин Америкаси давлатлари орасида биринчи бўлиб Советлар мамлакатининг кардошларча ёрдамида космик орбитага чиққанлиги билан фахрланаман.

Билдирилган ишонч учун, катта эътибор ва доимий ғамхўрлик учун, меҳнатимизга берилган юксак баҳо учун Куба Компартияси Марказий Комитетига ва Куба Республикасининг ҳукуматига, КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига, Леонид Ильич, шахсан Сизга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этаман.

* * *

Зўр эътибор билан тингланган нутклар қарсаклар билан кутиб олинди.

Ю. В. Романенко билан А. Тамайо Мендес биргаликдаги халқаро учишдан хотира сифатида Леонид Ильичга «Салют-6» — «Союз-37» — «Союз-38» орбитал комплексида Совет—Куба экипажининг учганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, Л. И. Брежневнинг космонавтлар имзо чеккан портретини, Плая — Хирондаги афсонавий жанг жойидан олинган тупроқ жойланган капсулани, Л. И. Брежневнинг 1974 йилда Кубага қилган визити тўғрисида испан тилидаги китобни топширдилар. (ТАСС).

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон СССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, ва районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил сентябрь ойи учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Кизил байроги **Тошкент областида** қолдирилди (область партия комитетининг секретари М. М. Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиги А. Р. Раҳмонов, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиги Х. К. Қосимов, Сельхозтехника область бирлашмасининг раиси В. Н. Хегай, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиги У. В. Муслимов, область комсомол комитетининг секретари Б. С. Камолов, область қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг раиси Т. Р. Ражабов). Бу область пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 82,32 процент, машина терими юзасидан социалистик мажбуриятни 74,76 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 55,5 процент ўсишини таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Жиззах области (область партия комитетининг секретари Т. Б. Боймиров, область ижроия комитетининг раиси Э. И. Исломов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиги Н. Н. Нуриддинов, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиги К. Ш. Шодиев, Сельхозтехника область бирлашмасининг раиси Х. Д. Жўраев, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиги У. В. Муслимов, область комсомол комитетининг секретари Б. С. Болтабоева, область қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг раиси Ю. Д. Жўрабоев). Бу область пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 51,51 процент, машина терими юзасидан социалистик мажбуриятни 54,05 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 43,27 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро областидан олиб берилади;

Тошкент областининг **Ғалаба райони** (район партия комитетининг секретари А. Б. Сандхўжаев, район ижроия комитетининг раиси Р. И. Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Б. Ботиралиев, район сельхозтехника бошқарувчиси П. В. Югай, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи В. Т. Куриленко, район комсомол комитетининг секретари Ш. Сманалиева, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси Ан Ман Хо). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 93,02 процент, машина терими планини 93,13 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 69,25 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро областининг Ромитан районидан олиб берилади;

Тошкент областининг **Бўка райони** (район партия комитетининг секретари Т. Исломов, район ижроия комитетининг раиси Р. Қодиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиги К. Содиқов, район сельхозтехника бошқарувчиси Р. Ёқубов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиги Б. Шукруллаев, район комсомол комитетининг секретари Ш. Муҳаммаджонов, район қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитети раиси А. Шукуров). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 96,91 процент, машина терими планини 103,7 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 64,46 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро областининг Пешку районидан олиб берилади;

(Давоми иккинчи бетда).

5 850 000 ЎҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 1 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	4,15	82,32	3,77	74,76
Бухоро	2,93	68,54	3,00	29,80
Қашқадарё	3,03	65,00	2,91	42,81
Сурхондарё	2,72	61,73	2,81	47,49
Фарғона	3,07	53,02	3,19	25,41
Жиззах	4,87	51,51	5,82	54,05
Самарқанд	3,71	49,03	3,43	26,66
Хоразм	3,20	48,02	2,82	26,03
Сирдарё	5,46	47,51	5,94	47,37
Андижон	3,07	44,11	2,72	16,85
ҚҚАССР	3,79	43,94	3,49	31,04
Наманган	3,10	37,70	2,71	15,81
Республика бўйича:	3,44	53,79	3,58	37,24
Шу жумладан нигичка толали пахта				
Бухоро	1,80	42,68	0,33	1,47
Сурхондарё	2,55	42,25	3,05	24,67
Қашқадарё	1,62	29,49	1,38	9,57
Наманган	3,67	26,71	4,80	5,74
Республика бўйича:	2,26	38,20	2,36	17,51

Ўзбекистон ССР Қашқадарё областининг Нишон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози комбайнчилари ака-ука Қиёмовларга

ТЕЛЕГРАММА

Азиз Шомурод, Нурот, Холмурот, Неъмат ва Рамазон!

Пахта йиғим-теримининг долзарб мавсумида сизнинг оилавий звеноингиз рекорд натижаларга эришмоқда — нормани қариб уч баравар ошириб бажармоқда. Бу эса «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта!» шнори остида ўтказилаётган мусобақада қандай қатнашиш кераклиги соҳасида барча пахтакорлар учун намунадир.

Эришган муваффақиятлар билан самимий табриклайман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт, белгиланган маррага мувофиқ 2000 тонна «оқ олтин» теришингизни тилайман!

СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Г. Т. БЕРЕГОВОЙ.

ФЕСТИВАЛНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ТАРОНАСИ

КПСС XXVI съездига бағишлаб Узбекистонда ўтказилган совет музикаси Бутуниттифоқ фестивали кунларида барча қардош республикалар композиторларининг ўнинчи беш йиллик мобайнида яратилган энг яхши асарлари, классик асарлар янгради. «Ленин партиясига шоншарафлар» шиори остида ўтган бу санъат байрами Коммунистик партияга, халкка, республикаларнинг бузилмас бирлигига, янги жамият курувчиси — совет кишисининг ғўзаллигига, унинг қаҳрамонона зафарларига аталган ўзига хос мадҳия бўлди. Узбекистоннинг юз минглаб меҳнаткашлари Москва, Ленинграддан, мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган етакчи ижодий коллективлар композиторлар ва ижрочилар билан учрашдилар.

Кўп миллатли санъат ютукларининг завкли кўриги 1 октябрда Алишер Навоий номли Узбекистон ССР давлат академик Катта театрида тантанали кеча билан ниҳоясига етди. Кечада айтиб ўтилдики, икки ярим мингга якин киши қатнашиб, тингловчиларни ики юздан ортиқ сает композиторларининг асарлари билан таништирган фестиваль совет музика маданиятининг ривожланиш тарихига янги бир ажойиб саҳифа битди, Советлар мамлакати халқлари дўстлиги ва қардошлигининг ёркин байрамига айланиб кетди. Тантанали кечада республика, партия ва совет органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Театрда бўлган концерт байрамнинг якунловчи тароналарини бўлди.

(ЎзТАГ).

БЎКА РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Бўка районининг пахтакорлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг тавсиялари ва йўл-йўриқларини бажара бориб, меҳнатда муҳим ғалабага эришдилар — давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари, 1 октябрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 65 минг тонна пахта етказиб берилди, бутун пахта биринчи сортларга қабул қилинди.

Район механизаторлари ана шу ғалабани кўлга киритишда муҳим роль ўйнадилар. Тайёрланган жами пахтанинг 60 минг тоннаси ёки ҳосилнинг 90 процентини машиналар билан терилди.

«Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги», Тимирязев номли, Мичурин номли, Ильич номли, Фрунзе номли, Жамбул номли, «Ленинизм» колхозлари планни анча ошириб бажариб, социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топширимоқдалар. Бу хўжаликларда ҳозиргача ҳар гектар ердан 35—40 центнердан пахта териб олинди.

Пахта тайёрлаш юзасидан беш йиллик план 30 минг тоннага ошириб адо этилди. Шу давр ичида ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик қариб 8 центнер ошди.

50—60 центнерлик ҳосил олиш ҳаракати районда кенг кулоч ёзди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Саодат Гулаҳмедова, Саид Иброҳимов, республикада ҳизмат кўрсатган пахтакор Аҳмад Душабоев ва кўпгина бошқа бригадалар ҳозирдаёқ 45—50 центнерлик маррадан ўзиб кетдилар.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеинов, Михаил Галин, «Коммунизм» колхозидан Жалгас Балатоев, Саидаҳд Саймаков, Тимирязев номли колхозидан Ҳасан Хожиев, Аликул Тўранов, Мичурин номли колхозидан Кучали Омонов, Саид Жумабоев, Ильич номли колхозидан Матан Раҳматалиев ва бошқа механик-ҳайдовчилар ипатоволик деҳқонларнинг тажрибасидан моҳирлик билан фойдаланиб, 250—300 тоннадан пахта териб, йиғим-теримда юксак кўрсаткичга эришдилар.

Район хўжаликлари давлатга дон сотиш йиллик планини 122 процент, сабзавот сотишни 139 процент, полиз маҳсулотлари сотишни 108 процент, мева сотишни 110 процент, пилла сотишни 116 процент, гўшт сотишни 138 процент, сут сотишни 105 процент, тухум сотишни 206 процент бажардилар.

Бўкаликлар бундай ажойиб ғалабага аввало қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини кенг ривожлантириш, пахтачиликдаги барча ишларни юксак даражада механизациялаштирилганлиги, алмашлаб экиш, химиялаштириш ва комплекс механизациялаш негизида деҳқончилик маданиятининг узлуксиз ошириллганлиги натижасида эришдилар. Бўка район пахтакорларининг фидокорона меҳнати ва юксак маҳорати хўжаликни зўр ютуқлар билан олиб бориш намунаси бўлиб хизмат килади.

Район пахтакорлари партия XXVI съездини кутиб ола туриб, бу йил давлатга сотиладиган пахта миқдорини 85 минг тоннага етказишга ёки умумий тайёрлаш ҳажмидан 20 минг тонна кўп пахта сотишга қарор қилдилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИБ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университети Ўрта Осиёнинг энг кекса олий ўқув юртларидан ҳисобланади. Доҳий Ленин Декрети билан ташкил этилган бу университетнинг олтмиш йиллиги яқинда нишонланган эди. Юбилейга бағишланган тантанада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов университет партия ташкилоти, профессор ва ўқитувчилар состави ўқув ва таълим-тарбия жараёнларини тинмай такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишлари самарасини юксалтириш борасида эришаётган ютуқларини, республиканинг маданий-оқартув ишларидаги фаол қатнашувини юксак баҳолаган эди.

Университет коммунистлари ўзларининг VII ҳисобот ва сайлов конференциясига тўпландилар. Партия комитети секретари Ш. Ўразаев партия ташкилотининг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари ҳақида доклад қилди.

Университет партия ташкилоти КПСС XXV съезди тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг олий таълим мактаблари ва мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига кўра жуда катта партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишларни амалга оширди.

Университет партия комитети таълим самарадорлигини ошириш, фан билан амалиёт ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш каби масалаларга, айниқса, катта эътибор бериб келди. Партком мажлисларида айрим факультет ва кафедраларда, ўқув-тарбия ишларининг аҳволи, дарс ва машғулотларда техника воситаларидан унумли фойдаланиш, имтиҳон сессияларининг якуни, ўқув жараёнларини такомиллаштириш бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари, тайёрлов бўлимининг иши тўғрисидаги масалалар ҳар томонлама муҳокама қилинди. Ўтган ҳисобот даврида иккита янги факультет, бир қатор кафедра ва лабораториялар очилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тармоқ институтлари билан биргаликда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларига эътибор берган ҳолда ўқув программалари қайтадан кўриб чиқилди. Масалан, физика факультети Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тармоқ институти билан биргаликда студентларга таълим берилиши даражасини таҳлил қилгач, янги махсус курслар ташкил этди, айрим курслар бўйича дарс соатлари ўзгартирилди.

Ўқув жараёнларининг сифати ва самарадорлигини ўстиришда дарс бериш методикасини такомиллаштириш, таълимнинг янги форма ва воситаларини қидириш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, партия комитети университетнинг илмий методик марказ сифатидаги ролини ўстириш бўйича ташкилотчилик ишлари олиб бормоқда. Университетнинг барча факультетларида «КПСС XXV съезди қарорлари асосида ўқув-тарбия жараёнлари самарадорлигини ошириш йўллари» доимий семинари мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Факультет ва кафедраларда таълимнинг техник воситалари кенг қўлланилмоқда. Бу борада гуманитар факультетлари, КПСС тарихи кафедраси, малака ошириш институти, чет эллик ўқувчилар тайёрлаш факультетлари катта тажриба тўплашган.

Партия комитети коммунистлар сафи Ленин партиясига муносиб ёшлар ҳисобига ўсишига ҳам катта эътибор беряпти. Агар бундан икки йил муқаддам фақат 28 та цех партия ташкилоти бўлган бўлса, ҳозир 31 та яна шундай партия ташкилоти мавжуд. Ўтган йили философия-экономика факультети ташкил этилиши, бу йил эса филология факультетининг иккига бўлиниши туфайли яна иккита цех партия ташкилоти тузилди. Ташкилий-партиявий ва сиёсий тарбиявий ишларнинг сифати ва самарадорлиги, коммунистларнинг авангардлигини ўстириш бўйича катта ишлар бажарилмоқда.

Университет партия комитети ва партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг 1980 йилги июнь Пленуми қарорлари кенг муҳокама қилинди. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўтган икки йил ичида партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари ва кўрсатмаларини муҳокама қилишга бағишлаб беш марта умумуниверситет партия йиғилишлари ўтказилди. Бундан ташқари партия комитети мажлисларида студентлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш, кечки ва сиртқи бўлим, аспирантура бўлимининг иши, шунингдек, «Билим» жамияти группаси, студентлар илмий жамияти, физкультура ва спорт, «Тошкент университети» газета редакциясининг фаолияти каби масалалар муҳокама қилинди.

Комсомол ва касаба союз ташкилотларининг фаолияти ҳам тез-тез муҳокама этилди. Бу ташкилотларга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Партком комсомол ташкилоти раҳбарлигига тавсия этилаётган кишилар билан суҳбатлашиш, ёш коммунистларни комсомолда ишлашга тавсия этиш, комсомол ташкилотлари етакчиларини университет ва факультет партия ташкилотлари номенклатурасига олишга катта эътибор бермоқда. Комсомолга партиявий раҳбарлик анча юқори поғонага кўтарилди.

Бироқ, айрим ҳолларда партбюро ва деканатлар комсомол ташкилотлари, уларнинг активларини ўқув-тарбиявий ишлар, студентларни коммунистик руҳда тарбиялашга яхши жалб этмаяптилар. Баъзи педагоглар ва коммунистлар комсомол ташкилотлари уюштираётган тадбирларда, йиғилишларда кам бўлишяпти. Ахир, комсомолларнинг мажлисларида, комсомол ташкилоти бюроларида қатнашмай туриб, ёшларнинг ҳаёти, уларнинг қизиқишлари тўғрисида қайғуриш мумкинми?

Коллективда тарбиявий, ўқув ва илмий ишларнинг самарадорлигини ўстиришда факультетлар, кафедралар, бўлимлар, группалар ва ётоқхоналар ўртасидаги социалистик мусобақалар муҳим аҳамиятга эга. Касаба союз ташкилотлари коллективда меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш борасида ибратли ишларни адо этаётирлар. Ҳисобот даврида партия комитети касаба союз комитетларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб борди.

Бироқ, партия ва касаба союз ташкилотлари факультетлар, кафедралар ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг ошкоралигини юксак даражада таъминлашга эриша олмади. Бир қатор ётоқхоналарда маиший шароитлар талаб даражасида эмас. Студентларнинг бўш вақтларини намунали ўтказиш бўйича белгиланаётган тадбирлар тўлатўкис бажарилиши керак.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан ҳуқуқшунослик факультети декани А. Аъзамхўжаев, физика факультети партия ташкилоти секретари Ю. Кратенко, биология факультети лаборатория мудири Ж. Мусаев, ТошДУ ректори Т. Саримсоқов, тарих факультети декани Г. Ҳидоятов, университет комсомол комитети секретари С. Сафоев ва бошқалар партия комитети олиб борган ишларга якун ясаб, партия ташкилотларида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини яхшироқ координация қилиш, тематикани янада актуаллаштириш, кутубхона ишини яхшилаш, студентларга таълим бериш сифати ва самарадорлигини кучайтириш бўйича бир қатор қимматли фикр ва мулоҳазаларни билдиришди.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитети секретари М. Ф. Солдатов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Партия комитетининг ташкилий мажлиси ўтказилди. ТошДУ партия комитети секретарлигига ўртоқ Ш. Ўразаев қайта сайланди.

А. НИЕЗОВ.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

(Боши биринчи бетда).

Сирдарё областининг **Ильич (кўрик) райони** (район партия комитетининг секретари С. Отахонов, район ижроия комитетининг раиси Б. Мамадалиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Г. Асқаров, район сельхозхозтехника бошқарувчиси Ш. Установ, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Н. Григорьев, район комсомол комитетининг секретари Р. Элбоев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси Ш. Умаров). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 67,03 процент, машина терими планини 72,29 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 57,7 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областининг Толимаржон районидан олиб берилади;

Сурхондарё областининг **Ленин йўли райони** (район партия комитетининг секретари Р. Эргашев, район ижроия комитетининг раиси Э. Турсунов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Б. Жўракулов, район сельхозхозтехника бошқарувчиси Х. Пайғамов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи У. Кудратов, район комсомол комитетининг секретари Д. Тошмиров, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси А. Тўраев). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 58,76 процент, машина терими планини 65,61 процент бажарган ва ўн кунликда пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлашнинг 29,29 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро областининг Қизилтепа районидан олиб берилади;

Тошкент областининг **Ғалаба районидаги Тошкент қишлоқ хўжалик институти Киров номли ўқув хўжалиги** (ўқув хўжалигининг директори Ш. Ҳадралиев, партия ташкилотининг секретари М. Муртазоев, ишчилар комитетининг раиси Р. Шерматов, комсомол комитетининг секретари Р. Абдураимов). Бу ўқув хўжалиги пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 92,15 процент, шу жумладан машина терими планини 98,26 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 70,58 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Қашқадарё область, Китоб районидаги «Шарқ юлдузи» совхозидан олиб берилади;

Сирдарё область, **Ильич районидаги Узоқов номли кўрик совхоз** (совхоз директори Н. Эрназаров, партия ташкилотининг секретари Х. Абдусаидов, ишчилар комитетининг раиси Э. Тўраев, комсомол комитетининг секретари С. Туробов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 100,1 процент, шу жумладан машина терими планини 103,43 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 79,23 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Андижон область Комсомолобод районидаги В. И. Ленин тўғилган кунинг 100 йиллиги номли совхозидан олиб берилади;

Сурхондарё область, **Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз** (совхоз директори А. Курбонов, партия ташкилотининг секретари Х. Назаров, ишчилар комитетининг раиси П. Ашуров, комсомол комитетининг секретари Р. Қурбонов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 68,65 процент, шу жумладан машина терими планини 75,75 процент бажарган ва ўн кунликда пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлашнинг 46,51 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё область Шеробод районидаги «Гулистон» совхозидан олиб берилади;

Тошкент область, **Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз** (колхоз правлениесининг раиси И. Абдиев, партия ташкилотининг секретари вазифасини ижро этувчи А. Ражабов, касаба союз комитетининг раиси Р. Мелиев, комсомол комитетининг секретари А. Юсупов). Бу колхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 109,57 процент, шу жумладан машина терими планини 116,62 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 69,54 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент область, Ғалаба районидаги «Победа» колхозидан олиб берилади;

Сурхондарё область, **Ангор районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхози** (колхоз правлениесининг раиси С. Ҳаитов, партия ташкилотининг секретари К. Жабборов, касаба союз комитетининг раиси Ю. Туропов, комсомол комитетининг секретари С. Ражапова). Бу колхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 59,55 процент, шу жумладан машина терими планини 46,37 процент бажарган ва ўн кунликда пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлашнинг 36,91 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро область Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхозидан олиб берилади.

В. И. Ленининг «Ёшлар союзининг вазифалари» асарининг 60 йиллигига

БУЮК ДАЪВАТ

1980 йил шонли Ленин комсомоли тарихига олтин саҳифа бўлиб кирди. Дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг доҳийси В. И. Ленининг РКСМ III съездида комсомол барча авлодлари учун программ аҳамиятга эга бўлган, мамлакат ёшларини буюк бунёдкорлик ишларига чорловчи отаиш нутқида бугун 60 йил тўлди.

Мана 60 йилдирки, улуғ доҳий кўрсатмаларига амал қилиб мамлакатимиз ёшлари ўз кўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиб келмоқдалар. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Коммунистик партия томонидан белгилаб берилган улкан режалари совет ёшлари яратувчилик фаолиятининг битмас-туганмас манбаи бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда комсомол-ёшлар маданий-ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳасида юксак активлик ва зўр фаолият кўрсатмоқдалар. Бунда улуғ доҳийнинг ҳар бир комсомол учун ҳаётга йўлланма вазифасини ўтаётган «Ёшлар союзининг вазифалари» асари мислсиз аҳамият касб этмоқда.

«Умуман,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев БЛКСМ XVIII съезди минбаридан туриб, — кекса авлод коммунистлари шу кунлардаги совет ёшларидан мамнун бўлишлари мумкин, деб ўйлайман. Ёшларимиз коммунистик эътиқоди, партия ишига, улуғ Ленин ишига астойдил садоқатли бўлиб ўсмоқдалар. Миллион-миллион йигит ва қизлар мардлик, матонат, Октябрь идеалларига садоқат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар коммунистик қурилиш жабҳасининг ҳамма соҳаларида зўр ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар, мамлакатни ривожлантиришнинг тиғиз планларини бажариш учун жонбозлик билан курашмоқдалар».

Владимир Ильич Ленининг тарихий нутқи ёш авлодни тарбиялашда Коммунистик партиямизнинг муҳим назарий ҳужжати, ВЛКСМнинг амалий ҳаракат программаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

В. И. Ленин «Ёшлар союзининг вазифалари» тарихий нутқида ёшларни ижтимоий ҳаётдаги, коммунистик жамият қуришдаги вазифасини белгилабгина қолмай, янги жамият ёш қурувчиларини коммунистик руҳда тарбиялаш ва таълим бериш ишига ҳам алоҳида аҳамият берди.

Эндиликда шуни зўр мамнуният билан айта оламизки, кадрлар тайёрлашнинг Совет ҳокимияти йилларида таркиб топган системаси моддий ишлаб чиқаришнинг ва маънавий ҳаётнинг ҳамма тармоқларини малакали мутахассислар билан таъминлаш имконини бермоқда.

Социализм тонгида Владимир Ильич Ватанимизнинг ёппасига саводхон мамлакат бўлишини орзу қилган эди. Бу вазифа аллақачонлар ҳал этилди. Бугунги кунда биз янги марраларга чиқиб олдик. Эндиликда умумий ўрта таълимга ўтишни тугалламоқдамиз. Олий таълим фан ва техника асри талаблари даражасида тобора юксалмоқда. Шу беш йилликнинг охирига бориб, СССРдаги ҳар ўн гражданнинг бири олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битириб чиққанлиги тўғрисидаги дипломга эга бўлади.

Ленин комсомоли 62 йиллик тарихий йўлни босиб ўтди. Комсомолнинг бу шонли йиллар мобайнида эришган ютуқлари аввало Коммунистик партиямиз доимий ғамхўрлигининг натижасидир. Партия ўз ташкилий ва сиёсий тажрибасини комсомолга қунт билан ўргатди ва ўргатмоқда, комсомолнинг ташаббуси ва фаолиятини ижодий тарзда ривожлантириб келмоқда. Шу туфайли, ВЛКСМда, жумладан Ўзбекистон комсомолида партиявий қатлам мустаҳкамланмоқда. ВЛКСМ байроғидаги олти орден — Ватанинг олти юксак мукофоти партиямнинг комсомол фаолиятига жуда юксак баҳо берганлигини тасдиқлаб турибди.

Ҳозирги кунда комсомол 40 милиондан ортиқ йигит-қизни ўз шонли армияси сафида бирлаштириб турибди.

Владимир Ильичнинг тарихий нутқи комсомолга Коммунистик партиянинг ишончли резерви бўлишга, ўз билим ва тажрибасини меҳнаткашларнинг коммунизм учун кураши билан боғлашга, янги жамият қурилиши ишида актив қатнашиш учун зарур билимларни эгаллашга, умумхалқ иши учун куч-ғайратларини аямай сарфлашга даъват этди.

В. И. Ленин коммунизмни ўрганиш нима эканлигини ва қандай ўрганиш кераклигини мисоллар билан кўрсатиб берди ва коммунизм қурувчи ёш авлодга қарата шундай деди: «...ёшлар ўқишнинг бутун вазифаларини шундай қилиб қўйишлари керакки, токи улар ҳар куни ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳарда умум меҳнатининг бирор вазифасини, майли, энг кичиги, энг оддий вазифасини амалий равишда ҳал этсинлар, ўзларининг ҳар бир қадамларига бу қурилишнинг муваффақияти нуқтаи назаридан қараб ишласинлар».

В. И. Ленин буларнинг ҳаммасини ёшлар союзининг аъзолари тўғрисидаги классик таърифида қуйидагича умумлаштиради: «Ёшлар союзининг аъзоси бўлиш — ўз ишини ва ўз кучини умум иши учун сарф қилиш демакдир. Коммунистик тарбия мана шундан иборат. Ёш йигит ёки қиз фақат мана шундай ишдагина чинакам коммунист бўла олади. Агар улар бу ишлари билан амалий ютуқларга эриша олсалар, шундагина улар коммунист бўла оладилар».

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш масаласи Коммунистик партиямизнинг қатор съездлари қарорлари, ҳужжатларида ҳамда Ўртоқ Л. И. Брежневнинг студентларнинг Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқида янада ривожлантирилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз комсомол сафига жипслашган миллион-миллион йигит-қизлар доҳийнинг «Ёшлар союзининг вазифалари» асарини ўзлари учун амалий фаолият дастури деб биладилар. Эндиликда улар ўнинчи беш йиллик топшириқларини ошириб бажариш ва КПСС XXVI съездини ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш йўлида зўр ғайрат кўрсатмоқдалар.

А. САЙФУДДИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

МАҲМУД УСМОНОВНИНГ НАҚШЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Маҳмуд Усмонов эллик йилдан ошдики, кескини қўлдан қўймайди. Унинг санъати Алишер Навоий номли, Ҳамза номли, Муқимий номли театрларнинг фасад ва фойеларини безаган. Унинг санъати В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг «Ўрта Осиё» панносини, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтини, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети биносини безаган. Унинг қўлидан чиққан ишлар Чехословакия, Польша, Япония, Америка Қўшма Штатларида намойиш этилган. Республика санъат музейининг фондида машҳур устанинг қирқта иши бор.

Маҳмуд Усмонов ҳаётидаги яна бир муҳим иш — шогирдлар етиштиришдир. Ажойиб педагог муносиб ўринбосарлар тайёрладики, улар уста раҳбарлигида Ўзбекистоннинг монументал декоратив санъатини ривожлантирмоқдалар.

30 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, ганчкор уста Маҳмуд Усмонов туғилган кунинг 70 йиллиги ҳамда ижодий фаолиятининг 50 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ижодий ташкилотлар союзлари, пойтахт партия, касаба союз, қомсомол ва жамоат ташкилотларининг вакиллари юбиляр шаънига самимий сўзлар изҳор қилдилар.

(ЎзТАГ).

СССР НАРХ ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

СССР Нарх давлат комитети 1980 йил 1 октябрдан бошлаб микрокалькуляторларнинг давлат чакана нархлари ўрта ҳисобда 43 процент пасайтирилишини маълум қилади.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЙИҒИМ-ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК!

Узбекистонда тўртинчи миллион тонна ҳосибига пахта терилмоқда. 30 сентябрь куни 199.601 тонна дурдона териб олинди. Мавсум бошидан буён эса 3.119.739 тонна, шу жумладан 133.699 тонна ингичка толаси пахта тайёрланди. Машиналар билан 1.433.716 тонна хом ашё саранжом-сариштa қилинди.

Йиғим-терим суръатида кунига 5 процентдан ошириб пахта тайёрлаётган Сирдарё области деҳқонлари пешқадамлик қилмоқдалар. Улардан сўнг Жиззах, Тошкент областлари ва Қорақалпоғистон автоном республикаси пахтакорлари бормоқдалар.

Олтин кузнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат. Ҳосилнинг ҳаммасини ўз вақтида, нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олайлик!

МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТИ

Андижон область Комсомолобод райони меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб меҳнат совғаси тайёрладилар. Улар пахта тайёрлаш беш йиллик планини муваффақиятли бажардилар. Ўтган давр мобайнида мамлакат комсомолободлик азаматларидан 144 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу меҳнат муваффақиятига «СССР 50 йиллиги» ва «Дўстлик» совхозларининг пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район меҳнаткашлари давлатга яна 15.000 тонна «оқ олтин» топшириша қарор қилдилар. Ҳозир район далаларида 26 та терим-транспорт отрядига бирлашган 195 та «зангори кема» ишляпти. Уларнинг ҳар бирининг кунлик иш унуми 5—5,5 тоннани ташкил этмоқда.

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИБ

Наманган области механизаторлари йиғим-терим ишлари суръатини кун сайин жадаллаштирмоқдалар. 30 сентябрь куни улар 8405 тонна хом ашё теришга эришдилар.

Тўрақўрғон райони механизаторлари яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бу ерда 128 та терим агрегатининг ҳар бири билан кунига 7,5 тоннадан пахта терилмоқда.

Поп районидаги «Правда», Тўрақўрғон районидаги «Узбекистон», Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс номли колхозлар ва Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозида «зангори кема»ларнинг кунлик иш унуми 9 тоннагача етказилмоқда.

КАТТАҚЎРҒОНЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Самарқанд область Каттақўрғон райони пахтакорлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Ватанга 302.000 тонна — топшириқдагидан 2,5 минг тонна кўп хом ашё топширилди. Ана шу ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳозир райондаги 60 дан ортиқ пахтачилик бригадаси ўн биринчи беш йиллик ҳосилга «оқ олтин» топширмоқда.

ЮҚОРИ СИФАТ УЧУН

Каттақўрғон пахта заводи «Ленинизм» совхозининг Муҳаммади Усмонов бошлиқ бригадаси ҳосилига 2 минг сўмдан знёд пул ўтказди. Бу юқори сифатли пахта топширилганлиги учун қўшимча ҳақдир.

Топширилаётган хом ашёнинг сифатини аниқлашда ҳосилни бригадалар бўйича қабул қилиш усули яхши ёрдам беряпти. Илгари пахта заводида ҳосилнинг намлиги ва тозалиги у ёки бу хўжалик бўйича белгиланарди.

Ҳосилни қабул қилишнинг янги усули бунтларни сифати жиҳатидан бир хил бўлган пахтадан тиклаш имконини беряпти. Бу қимматли янгилик областдаги барча пахта заводларида жорий этилди.

ЗАФАР ҚУЧГАНЛАР

Узоқов номли совхоз пахтакорлари давлатга 4 минг тоннадан знёд хом ашё топшириб, Сирдарё область Ильич районида биринчи бўлиб йиллик планни адо этди. Совхоз меҳнаткашлари давлатга яна 1,5 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» топшириб, октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ социалистик мажбуриятни бажаришга қарор қилдилар.

Пешку районидаги Фрунзе номли, Олот районидаги «Қизил Октябрь», Шофиркон районидаги Иброҳим Мўминов номли колхозларнинг заршуносларн ҳам пахта тайёрлаш йиллик планларини муваффақиятли адо этдилар.

Мавсум охиригача Фрунзе номли колхоз деҳқонлари яна 1550 тонна, «Қизил Октябрь» колхози 2040 тонна, «оқ олтин» топшириш юзасидан мажбурият қабул қилдилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН — БЕШ КУНДА

Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхознинг СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Салой Худойқулиев бошлиқ бригадаси азаматлари йиллик планни беш иш кунида бажариб, ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Қабул пунктига 600 тонна хом ашё жўнатилди. 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Унинг ҳаммаси машиналар билан териб олинди.

Бригада азаматлари давлатга яна камида 400 тонна хом ашё топшириш ва ҳосилдорликни 65 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

ШОЛИ ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

Қорақалпоғистон АССРда 40.000 гектар — мавжуд шолизорларнинг қарийб учдан икки қисмидаги ҳосил ўриб олинди. 14 минг гектар майдондаги ҳосил саранжом-саришталанди. Давлатга 70.000 тоннадан знёд шоли топширилди.

Қарийб 800 комбайн ўрилган шолини янчмоқда. Уларнинг ҳар бирининг кунлик иш унуми салкам 10 тоннани ташкил этаётир. Тахтакўпир районидаги Фрунзе номли совхозда эса бу кўрсаткич 18 тоннагача етказилмоқда.

Автоном республика комбайнчилари мусобақасида Кўнғирот районидаги «Равшан» совхозидан Ортиқбой Кенжабоев, Нукус районидаги «Россия» совхозидан Сергей Андрюшченко, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозидан Сулаймон Қоратоевлар пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири сменада 25 тоннадан шоли янчишга эришяптилар.

Кўнғирот районидаги Чапаев номли совхознинг Ортиқбой Сейтмуротов ва Бекдули Муптуллаевлар бошлиқ комплекс механизациялашган звеноси шоликорлари ҳар гектар ердан 70—75 центнердан қирмизи дон ҳосили кўтариб, якунловчи йилда олинган социалистик мажбуриятларини бажардилар.

ФАН—ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ташкил этилган тематик виставкани 30 сентябрь куни СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров кўздан кечирди. У республика олимларининг халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, экономикани ривожлантиришнинг, халқ хўжалик практикасининг актуал проблемаларини ҳал этишга қаратилган ишлари билан танишди.

Мазкур экспозициянинг катта бўлими Ўзбекистон олимларининг совет пахтачилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини кўрсатувчи ишларидан иборат бўлди. Республика селекциячилари яратган янги, истиқболли ғўза навлари стендда оппоқ бўлиб тизилиб турибди. Яқиндагина районлаштирилган «АН-402» нави бу йил Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг Ўш области далаларида юз минг гектардан кўпроқ ерларни эгаллади ва пахтакорларга тобора мазмун бўлиб бормоқда. Мексика ёввойи ғўза формасидан Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида нур бериш методи билан чиқарилган бу нав ғоятда чидамли бўлиб, энг ноқулай шароитларда ҳам муқим ҳосил бериб келмоқда.

Олимлар ва селекциячилар ўз олдиларига қўйилган янги, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга комплекс ҳолда бардош бера оладиган, толаси яхшиланган, машинада ишлов беришга ва ҳосилни машинада теришга мосланган ғўза навларини яратишни тезлаштиришдан иборат вазифани матонат билан ҳал қилмоқдалар. Экспозиция ташкилотчилари кўрикка йигирмага яқин шундай истиқболли ўсимлик хилларини қўйганлар. Шулардан «Тошкент-6», «АН—Самарқанд-2», «АН—Ўзбекистон-3» навлари районлаштирилган бўлиб, бугунги кунда далаларни дадил эгаллаб бормоқда, бошқа навлар эса пахта даласига чиқиш олдида турибди. Шу навларнинг ҳар бири олимлар белгиланган биологик ва технологик комплекс хоссаларга эга. Лекин уларнинг ҳаммаси пахтазорнинг ҳосилини кўпайтириш, мамлакатда пахта етиштиришни кўпайтириш учун қурашда пахтакорларга мадад бўлишдан иборат битта ишга хизмат қилажак.

Етакчи олимлар, илмий коллективларнинг раҳбарлари Ўзбекистон экономикасида белгиловчи соҳа бўлмиш пахта комплексини ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотлар тўғрисида, шу соҳада бажарилган ва виставкада кўрсатилаётган ишлар ҳақида А. П. Александровга батафсил гапириб бердилар. Химиклар яратган янги самарали минерал ўғитлар таъсирли ва заҳари оз дефолиантлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари кўрсатилди. Республикада химиявий дорилар билан бирга олимлар ишлаб чиққан далаларни биологик муҳофаза этиш методлари тобора кенгроқ ёйилмоқда.

Республика Фанлар академияси муассасаларининг тадқиқотчилари ва конструкторлари бугунги изланишларининг ҳамма асосий йўналишлари виставканинг экспонатларида яққол акс этган. Тадқиқотчилар ва конструкторлар фан билан ишлаб чиқаришнинг табақаларини мутасил мустаҳкамлаб, халқ хўжалик практикаси олға сурган муҳим масалаларни ҳал этишга куч-ғайрат сарфламоқда. Академия олимларининг тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, республика министрликлари ва идораларининг корхоналари ва ташкилотлари коллективлари билан биргаликда бажарилувчи комплекс программаларни амалга ошириш борасидаги фаолияти кўрсатилган. Кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти, физикларнинг ечимлари, жумладан уларнинг халқ хўжалигида қўёш энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ ечимлари, республиканинг минерал ҳом ашё базасини ривожлантириш борасида кўп ишлар қилаётган геофизиклар ва геологларнинг ишлари экспозицияда кенг кўламда акс эттирилган.

СССР Фанлар академиясининг президенти виставкани кўриш чоғида тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг халқ хўжалигига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш билан боғлиқ бир қанча истак ва маслаҳатлар билдирди.

1 октябрда академик А. П. Александров Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биоорганик химия институтини бориб кўрди, тадқиқотчиларнинг иш шароитлари билан танишди. У В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг, В. И. Ленин номли электрон техника заводининг ишчилари ва мутахассислари билан учрашди, илмий ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари билан қизиқди.

(ЎзТАГ).

ИЛМ-ФАННИНГ АКТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон пойтахтида тадқиқот ядро реакторларидан фойдаланиб бажарилувчи илмий-тадқиқот ишларини координация қилишга бағишланган XI Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институтининг мажлис залларида 1 октябрь куни активцион анализ секциясида реакторлар физикаси ва техникаси, радиацион физика, радиацион биология секциялари ва бошқа секцияларда турли проблемалар муҳокама қилинди. Активцион анализ секциясига академик Г. П. Флеров, реакторлар физикаси ва техникаси секциясига техника фанлари доктори В. В. Гончаров, радиацион физика секциясига физика-математика фанлари доктори И. А. Наскидашвили, радиацион биология секциясига медицина фанлари доктори А. Г. Свердлов раҳбарлик қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

МАШИНА ЯРАТУВЧИЛАРНИНГ КЕНГАШИ

Тошкентда «Агромаш» халқаро жамиятининг координацион кенгаши тугади. Кенгашда боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчилик учун янги машиналар яратувчиларнинг ўтган беш йилликдаги иш якунлари кўриб чиқилди, Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларни бирлаштирувчи жамиятнинг 1981 — 1985 йилларга мўлжалланган тадбирлари белгиланди. (ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши биринчи бетда)

Бу эса «зўравонлик позицияси» йўли, ҳукмронлик, дўқ-пўписа ва қуролланиш пойгаси методлари тарафдорларини норози қилмоқда. Аммо бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ, чунки Жавоҳарлал Неру эълон қилган қўшилмаслик сиёсатини ҳам бир вақтлар кимлардир «ғайри ахлоқий сиёсат» деб атаганлиги эсимизда.

Шу кунларда тинчлик, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш сиёсатидан кўра ҳам ахлоққа муносиброқ том маънодаги ахлоқлироқ, халқларнинг дили ва ақл-идрокига яқинроқ ташқи сиёсат бўлиши мумкин эмас. Бисқобарин биз шу мақсадларга эришишга интилар эканмиз, Ҳиндистон билан ҳамнафасмиз.

Азиз дўстлар!

Олий мартабали меҳмонимиз — Ҳиндистон Республикасининг Президенти Редди жаноблари нинг сиҳат-саломатлиги учун, улуғ ҳинд халқининг муваффақиятлари ва равнақи учун, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги бузилмас дўстлик учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз.

Н. С. Редди жавоб нутқи сўзлади.

Н. С. РЕДДИ нутқи

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, жаноби олийлари,

Жамики жаноб олийлар!

Мен Совет Иттифоқига келиб дўстлар орасида турганимдан жуда бахтиёрман ҳамда Сизнинг самимий табрик сўзларингиз учун ва мамлакатим шарафига билдирган дўстона тўйғуларингиз учун Сиздан миннатдорман. Жаноби олийлари, менга ва менинг делегациям аъзоларига нисбатан кўрсатилган меҳмондўстликдан беиҳтиёр хурсандман. Мен Совет Иттифоқига биринчи бор келаётганим йўқ. Бу ёрга бир неча марта турли лавозимларда ишлаб турган вақтимда келганман. Аммо бугун Ҳиндистоннинг Президенти сифатида сўзлашга мушаррафлигимни ардоқлаб турибман.

Бу — менинг биринчи давлат визитим. Бу визит Бош министр Индира Ганди хонимнинг жўшқин раҳбарлигидаги янги ҳукумат ўз вазифаларини ижро этишга киришгандан кейин ўтаётганлиги бизнинг Ҳиндистон — Совет муносабатларига қандай аҳамият бераётганлигимизни таъкидлайди. Биз ҳиндистондагилар улуғ ва дўст совет халқининг ажойиб ютуқларидан олинган зўр таассуротлар билан яшаб турибмиз ва сизларнинг муваффақиятларингизга офарин айтиб, сизларга янада катта ютуқлар тилаймиз.

Ҳиндистонда бизнинг ҳукуматимиз ҳам иқтисодий тараққиёт ва ҳинд халқи учун социал адолатни таъминлаш вазифасини ҳал этмоқда ва мен олдимизда турган проблемаларнинг миқёсларини тўла англаб турибман. Ҳиндистон халқининг қаҳрамонона куч-ғайратлари ва қатъияти туфайли ажойиб муваффақиятларга эришдик, дея оламан. Биз ўтмишга қайрилиб қарар эканмиз, эришилган натижалар билан муайян даражада мамнун бўлиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Мустамлака ўтмишимизнинг энг ёмон оқибатлари тугатилди, бироқ биз ҳали узоқ йўлни босиб ўтишимиз лозимлигини сезиб турибмиз. Бугунги кунда Ҳиндистон барқарор ва балансли саноат инфраструктурасига эга бўлиб қолганини ва келгуси йилларда узлуксиз иқтисодий ривожланишни таъминлашда ҳал қилувчи муваффақиятга эришиш учун яхши ҳозирлик кўрганини айта олади.

Ҳиндистон мана шу инфра-структура негизларига пойдевор қуриш юзасидан тузилган ўз миллий беш йиллик планларини амалга оширишга киришган пайтда Совет Иттифоқи бизнинг умидларимизга ва муддаоларимизга қўшилганини ҳамда ўз вақтида ҳамкорлик қилишни айтганини ва бу ҳамкорлик Ҳиндистонга индустриялаш йўлидан сезилларли равишда олға силжишга эришиш имконини берганини ёдда тутамиз. Муттасил қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этиш учун шу фурсатдан фойдаланиш истагидаман.

Бизнинг хукуматимиз сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлини ўтказишга доимо содиқ бўлиб келмоқда. Қўшилмаслик ташқи сиёсатимизнинг энг муҳим замини бўлиб, бизнинг катта ва кичик барча мамлакатлар билан муносабатларимиз шу билан белгиланади. Иқтисодий системалари қандайлигидан қатъи назар барча давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва мустақил миллатларнинг тенглик шароитларидаги ҳамкорлиги ялпи тинчлик ва тараққиёт учун зарурлигига аввалгидек ишончимиз комил.

Ҳиндистон — Совет дўстлиги анъанавий дўстлик, деб айтсам, эҳтимол, умумий ҳақиқатни такрорлагандек бўлиб туюлар, аммо бу анъананинг илдизлари олис ўтмишга, бир неча юз йил илгари Ҳиндистонда ал-Беруний бўлиб, ўз саёҳати тўғрисида ёзиб қолдирган пайтларга, бу нарса бошқаларни, масалан, Афанасий Никитинни унинг изидан боришга ундабгина қолмай, шу билан бирга халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстлик кўпригини солган даврларга бориб тақалишини унча кўп кишилар билишмайди. Самарқанд атрофида яқинда қилинган қазиш ишлари, эҳтимолки, у ерда қадим замонларда мавжуд бўлган ибодатхоналарнинг қолдиқларини аниклади, бундан буёнги тадқиқотлар эса бу кашфиётнинг ҳақиқий миқёси ва аҳамиятини аниқлашга имкон беради.

Бизнинг замонамизда Улуғ Октябрь революцияси мустамлакачилик зулмидан халос бўлиш учун Ҳиндистон ёшларининг Махатма Ганди раҳбарлигида курашган кўпдан-кўп намояндаларига илҳом берди. Ленин ғояларини Ҳиндистон озодлиги йўлидаги курашчилар қабул қилиб олдилар ва бу ғоялар бизнинг онгимизда чуқур из қолдирди, бу эса бизнинг миллий экономикаси ривожлантириш ва мустақилликка эришишда планлаштиришнинг ролига берилган аҳамиятимизда ўз ифодасини топди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги расмий муносабатлар 1947 йил апрелида ўрнатилди, ўша пайтда улуғ доҳий ва давлат арбоби, Ҳиндистоннинг биринчи бош министри Жавоҳарлал Неру бошчилигидаги муваққат ҳукумат СССР билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор берди. Унинг 1954 йилда Совет Иттифоқига қилган биринчи расмий визити Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида мустаҳкам дўстлик негизларини яратди (у илгари ҳам Совет Иттифоқида бўлиб, Октябрь революциясининг ютуқларини ўрганган. кўрган нарсалари унда катта таассурот қолдирган эди). Бу дўстлик иккала давлат арбобларининг юксак даражадаги визитлари натижасида янада кўпроқ мустаҳкамланди, бу визитлар давомида иккала мамлакатимизнинг экономикаси манфаатлари йўлида ўзаро фойдали ҳамкорлик тўғрисида битимларга эришилди. Сиз, жаноб олийларининг 1973 йилда Ҳиндистонга қилган визитингизни биз мамнуният билан эсга оламиз, яқин келажакда Сиз яна Ҳиндистонга ташриф этишингиздан хурсандмиз. Жаноби олийлари, биз Сизнинг визитингизга мунтазир эканимизни ва Ҳиндистоннинг азиз, содиқ дўсти бўлган Сизни мамлакатимизда иззат-икром билан кутиб олишимизни биласиз.

Жаноб олийлари, Ҳиндистон— Совет дўстлиги ва ҳамкорлиги икки томонлама муносабатларимизга янги сайқал беришгина қолмай, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда барқарорликка ҳам кўмаклашмоқда. Бу муносабатлар бир-биримизнинг ҳаётий муҳим ишларимизни чуқур тушунишга асосланади. Янги кескинлик манбалари вужудга келаётган, кескинликни юмшатиш жараёнига эса афтидан бирмунча знён етказилган ҳозирги дунёда бу дўстлик ришталари янада кўпроқ аҳамият касб этади.

Жаноб олийлари, биз Европада кескинликни юмшатиш жараёнига шахсан Сиз қўшаётган ҳиссани ғоят синчиклаб кузатиб турибмиз ва уни миннатдорчилик билан қайд этамиз. Биз Сизнинг кескинликни юмшатиш руҳини ва жараёнини сақлаб қолишга азму қарор берганингизни биламиз. Аммо дунёда янги-янги кескинлик манбалари вужудга келаётганлиги ва биз янги совуқ уруш бошланишининг шоҳиди бўлиб қолаётганимиз йўқми, деган савол пайдо бўлаётгани ҳақ гап. Инсониятга жуда катта неъматлар келтирган ҳозирги замон фани айни вақтда мислсиз вайронгарчилик кучига эга бўлган қуролларнинг янги омборларини вужудга келтириш йўлини очиб бергаплиги замонамизнинг ақл бовар қилмайдиган зиддиятидир. Хўш, бехуда муҳолифликларнинг қуролли можароларга айланиб кетишига, бу можаролар бутун инсониятнинг тақдирини хавф остида қолдиришига йўл қўйиш билан хатарли оқибатлар келиб чиқишини жаҳон аҳли фаҳмламаяптими, деган савол пайдо бўлади. Биз Ҳиндистондагилар ақл-идрок ҳали ҳам бўлса устун чиқа олади, деб ҳисоблаймиз. Атиги бир неча ўн йил муқаддам қариб ялпи уруш кулфатлари азобини тортган ва ўзининг бутун куч-ғайратларини жамият экономикасини ва турмушини қайта тиклаш вазифасига сарфлаган мамлакат бўлмиш Совет Иттифоқи бутун дунёда тинчликка ихлосмандлиги табиий бир ҳолдир. Биз буни тушунамиз ва ялпи тинчликни таъминлаш соҳасидаги ғайрат-ҳаракатларингизда сизларга муваффақият тилаймиз.

Жаноби олийлари, хонимлар ва жаноблар, менга қўшилиб, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев жаноби олийларининг сиҳат-саломатлиги ва бахт-саодати учун.

СССР Олий Совети Президиуми аъзолари жаноби олийларининг сиҳат-саломатлиги учун,

Ҳиндистон билан СССР ўртасида мустаҳкам дўстликни янада кучайтириш ва ривожлантириш учун ҳамда уларнинг бутун дунёда тинчлик учун курашдаги ҳамкорлиги давом этиши учун қадаҳ кўтаришингизни сўрайман.

* * *

Л. И. Брежнев билан Н. С. Реддининг ғоят эътибор бериб тингланган нутқлари давомли қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

КЕМАЛАР ТУТАШТИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1980 йил 30 сентябрь Москва вақти билан соат 20 дан 03 минут ўтганда «Прогресс-11» автомат юк транспорт кемаси киши бошқарадиган «Салют-6» — «Союз-37» орбитал комплекси билан туташтирилди. Космик аппаратларни бир-бирига ёндаштириш ва туташтириш жараёнларини орбитал комплекснинг экипажи — Попов ва Рюмин ўртоқлар контроллик қилиб турдилар. «Прогресс-11» автомат юк кемаси «Салют-6» станциясининг агрегат бўлмаси томонида жойлашган туташтирувчи узелга туташтирилди.

Юк кемаси экипажнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда илмий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказилишини таъминлаш учун асбоб-ускуналар, аппаратлар, материалларни, станциянинг туташ мотор установкаси учун ёқилғи, шунингдек почтани орбитага элтиб берди.

Телеметрия ахбороти маълумотларига ва экипажнинг докладларига кўра «Салют-6» станцияси, «Союз-37» кемаси ва «Прогресс-11» юк кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

Космонавтлар Леонид Попов билан Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ЗВЕЗДНИЙДАГИ УЧРАШУВ

30 сентябрь куни Звездний шаҳарчаси «Салют» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида бир ҳафта экспедиция қилиб келган Совет — Куба экипажи аъзоларини тантана билан кутиб олди.

Экспедицияни тайёрлаган, учишни бошқарган, илмий эксперименлар программасини ишлаб чиққан кишиларнинг ҳаммасини анъанага кўра шу учрашувга йиғилди. Уларнинг ҳаммаси — космонавтларни тайёрлаш раҳбарлари, учишни бошқариш марказининг олимлари, мутахассислари Юрий Романенко билан Арнальдо Тамайо Мендес орбитада бажарган ишга юксак баҳо бермоқдалар. Ерга салмоқли илмий багаж келтирилди — мўлжалдаги Совет — Куба эксперименталларининг ҳаммаси батамом бажарилди.

«Интеркосмос» программасига мувофиқ еттинчи халқаро учиш — социалистик мамлакатларнинг Ердаги ва космосдаги орбиталарда қилаётган ҳамкорликлари муваффақиятли ривожланиб бораётганлигининг яна бир яққол далилидир. Звездний шаҳарчасида бўлиб ўтган митингда Совет ва Куба олимлари, космонавтларни тайёрлаш марказининг вакиллари, космик экипаж аъзолари шу ҳақда гапирдилар.

— Биринчи космик парвозимга ёрдам берган кишиларнинг ҳаммасини бағримга босғим келади, — деди митингда кубалик космонавт. — «Салют-6» станцияси каби ажойиб космик техникани яратган совет конструкторлари, инженерларига кўпдан-кўп раҳмат! «Интеркосмос» программасига мувофиқ ҳамма интернационал экспедициялар шу станция ичида ўтказилди.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга якдиллик билан табрикнома юбордилар.

Звездний шаҳарчаси.

(ТАСС мухбири).

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ОИЛАВИЙ ЭКИПАЖЛАР ҲИММАТИ

«Қашқадарё ҳақиқати» газетасида пахта теримида актив қатнашаётган, машинада кўплаб тонна «оқ олтин» тераётган оилавий экипажлар ҳақида мақсус саҳифа берилди. Саҳифада ака-укалар Норов, Равшанов, Қиёмов, Файзиев ва Ўтагановлар каби — бош оилавий механизаторлар сулоласининг пахта теримида эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур экипажлар шу кунгача «зангори кема» ёрдами билан 5 минг тоннага яқин пахта теришди. Айни пайтда қўриқ Қашқадарё областида 30 дан зиёд ана шундай оилавий экипаж пахта йиғим-теримида фаол иштирок этяпти. Улар бу йилги мавсумда 30 минг тонна чўл дурдонасини теришга аҳд қилишган.

Область газетаси оилавий экипажлар ҳақида мунтазам равишда ана шундай саҳифа ва подбораклар бериб, дала гвардиячиларининг зарбдор меҳнати ҳақида ибратли ҳикоя қилмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаота шаҳридаги тантаналы мажлисда берган кўрсатмаларига амал қилиб, ишлаб чиқариш фаолияти ва қишлоқ хўжалигини моддий-техника билан таъминлаш юзасидан беш йиллик планни муддатидан илгари, 24 сентябрь куни бажардилар.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари КПСС XXVI съездини ва Узбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишга интилиб, 1980 йилнинг охиригача беш йиллик пландан ташқари 110,7 миллион сўмлик саноат маҳсулотини реализация қилиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш, республика қишлоқ хўжалигига 160 миллион сўмлик материал ва техника воситалари етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Совет Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарида туриб илгари сурган ташаббуслари бутун дунёда зўр қизиқиш туғдирмоқда. Оммавий ахборот воситалари бу ташаббуслар уруш хавфини бартараф этиш, кескинлик юмшатилишини сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун ниҳоятда актуал ва муҳим эканлигини таъкидламоқдалар.

СОФИЯ. Ҳозир халқаро вазият мураккаблашиб қолган бир пайтда Совет Иттифоқининг овози ҳамиша бўлгандек, осойишта ва дадил янгради. СССР кескинлик юмшатилишини, тинчлик, халқаро ҳамкорлик ва социал тараққиёт ишини қадрлаётган кишиларнинг ишончини оқлади, деди БХР ташқи ишлар министри П. Младенов БТА агентлигининг мухбири билан суҳбатда.

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг нутқида Совет Иттифоқининг янги таклифлари баён этиб берилган. Бу таклифлар амалий рухда эканлиги билан ажралиб, инсоният олдида турган ғоят муҳим проблемаларни ҳал этишда силжишга эришишнинг конкрет йўлларини кўрсатиб беради, деди сўнгра П. Младенов.

ВАРШАВА. «Жолнеж вольнотси» газетаси «Инсоният манфаатлари йўлида» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчлик масаласи йўлидаги позицияси ҳаммага маълум ва ўзгармасдир. Бизнинг давлатларимиз халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш сиёсатидан кўра оқилроқ сиёсат йўқ деган принципга амал қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи янги таклифларининг «Уруш хавфини камайтиришга доир кечиктириб бўлмайдиган баъзи бир тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Тинчлик ва қуролсизланиш учун, халқаро хавфсизлик гарантиялари учун» меморандумининг асосий мазмуни шундан иборатки, қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўли билангина тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда реал бурилишга эришиш мумкин.

НЬЮ-ЙОРК. Совет Иттифоқи уруш хавфи йўқотилсин демоқда. Демак у тинчликни мустаҳкамлашга, уруш хавфини бартараф этишга қаратилган бир қанча таклифларини кўп марта БМТ Бош Ассамблеясининг кўриб чиқиши учун тақдим этиб келмоқда, деб ёзади «Дейли Уорлд» газетаси редакцион мақоласида. Бу йил деб таъкидлайди газета СССР жумладан, «Уруш хавфини камайтиришга доир кечиктириб бўлмайдиган баъзи бир тадбирлар тўғрисидаги резолюция лойиҳасини таклиф этди. Мана шу лойиҳада баён этилган реалистик тадбирларни барча тинчликсевар кишилар ҳар томонлама қўллаб-қувватласа эрзийди. Бу тадбирлар совет халқининг ҳам, Америка халқининг ҳам манфаатларига батамом мос келади. Уларнинг амалга оширилиши уруш хавфини камайтирган, тинчлик уфқларини кенгайтирган бўлур эди.

Ядро қуроли синовларини батамом ва ёппасига тақиқлаш тўғрисида, ҳарбий-сиёсий блокларни кенгайтирмаслик ҳақида, ядросиз мамлакатларнинг хавфсизлиги гарантиялари тўғрисида СССР ўртага қўйган таклифлар ниҳоятда муҳимдир. Шу боисдан Картер маъмурияти мазкур таклифларга дарҳол жавоб қайтариши керак, деб таъкидлайди пировардида «Дейли уорлд» газетаси.

(ТАСС).

БАНГЛАДЕШ. Читтагондаги электр асбоб-ускуналари заводи Совет—Бангладеш ҳамкорлигининг самарасидир. Завод ишлаб чиқараётган трансформаторлар, электродвигателлар ва бошқа маҳсулотлар электрлаштириш ва ирригациялаш бўйича миллий программани амалга оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Суратда: корхона цехида.

ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети Ироқ билан Эронни уруш ҳаракатларини тўхтатишга, империализм ва реакция ауждуга келган вазиятдан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишларига йўл қўймаслик учун баҳсли масалаларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этишга даъват қилди.

Комитетнинг баёнотида Ироқ ва Эрон ўртасидаги муносабатларда воқеаларнинг хатарли ривожланиши, иккала мамлакат ўртасида қонли можаро тобора чуқурлашиб ва кенгайиб бораётганлиги, муносабати билан астойдил ташвиш билдирилади. Ғарбнинг, биринчи навбатда АҚШнинг империалистик доиралари кескинликни авж олдиришга, можарони яна ҳам кўпроқ жиддийлаштиришга уринаётганликлари региондаги аҳволни баттар ёмонлаштирмоқда. Форс кўрфазида, Эрон билан Ироқ чегараларига хатарли яқинликда АҚШнинг миқдор ва ҳарбий қудрат жиҳатидан мислсиз ҳарбий денгиз кучлари тўпланган, Вашингтон АҚШнинг жаҳоннинг шу районидаги «ҳаётий муҳим манфаатлари» тўғрисида қайтариш деган ва сийқаси чиққан баҳона остида Эрон билан Ироқ ишларига бевосита аралашишдан иборат хавфли режаларни тузмоқда.

Ироқ билан Эрон — актуал халқаро масалаларда империализмга қарши позицияларни эгаллаб турган қўшни мамлакатлардир. Ҳар иккала мамлакат Исроил араб территорияларини босиб ўзига қўшиб олганлигини қонунлаштиришни кўзда тутувчи Кэмп-Дэвид битимига қатъиян қарши чиқмоқда, фаластинлик араб халқининг ўз даҳлсиз миллий ҳуқуқлари қондирилиши йўлидаги курашини астойдил қўллаб-қувватламоқда. Эрон билан Ироқ кўп миллатли корпорацияларнинг эксплуататорлик сиёсатига қарши, халқларнинг ўз табиий бойликларига бўлган суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, янгича халқаро иқтисодий тартиб принциплари амалда жорий этилиши учун курашмоқдалар, деб таъкидланади баёнотда. Шундай бир шароитда Ироқ билан Эрон ўртасидаги тўқнашувлар шу мамлакатларнинг душманлари, региондаги озодлик ва революцион кучларнинг мухолифлари манфаатларигагина хизмат қилади, Яқин ва Урта Шарқда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилаётган империализм, сионизм ва реакцияга қўл келади.

Совет комитети қуйидагиларни билдиради: қуролли можаронинг тезроқ тўхталиши икки қўшни давлатнинг ўз кучғайратларини миллий қурилиш вазифаларини ҳал этишга, Яқин ва Урта Шарқдаги тинчликни ҳамда ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб империализм ва реакцияга қарши биргаликдаги курашга сафарбар этишга имкон берган бўлур эди.

(ТАСС).

ВАЗИЯТ ҒОЯТ КЕСКИНЛАШДИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливаннинг жанубида бир неча кун жимжитлик ҳукм сурганидан кейин вазият яна ғоят кескинлашди. Исроил ва Жанубий Ливан сепаратчиларининг узоқни нишонга оладиган артиллерияси ўтган кунлар давомида Тир шаҳрини ва унинг атрофида жойлашган Фаластин қочоқлари лагерларини қаттиқ ўққа тутди. Агрессорлар шаҳрининг уй-жой кварталларига ва ундаги граждан объектларига яна ўқ ёғдирдилар. Хотин-қизлар, кексалар ва болалар қурбон бўлди. Кўпгина уй-жой бинолари, магазинлар, автомобиллар яксон қилинди, йўлларга ва электр симларига шикаст етказилди.

Исроил авиацияси Жанубий Ливандаги барча секторлар осмонида разведка мақсадида парвоз қилишни кучайтирди. Исроил ҳарбий денгиз кучларининг катерлари Сайда-Захрани районида Жанубий Ливан сохилига ёриб ўтиш учун уринган кўрдилар, аммо қирғоқ артиллерияси ўт очиб, уларни қочишга мажбур қилди.

БМТнинг Ливандаги муваққат кучлари қўмондонлигининг хабар беришича, Жанубий Ливан сепаратчилари ишғол қилган Анклавда Исроил қўшинлари ва ҳарбий техникаси ҳануз тўпланмоқда. Кузатувчиларнинг таъкидлаб ўтишича, Исроилнинг қуруқликдаги қўшинлари, авиация ва ҳарбий денгиз кучлари бўлинмаларининг ўтказган маневрлари Тель-Авив Ливанга қарши янги агрессияга актив ҳозирлик кўраётганлигини тасдиқлайди. Шу муносабат билан БМТ муваққат кучларининг қўмондонлиги ўз қўшинлари жангга шай қилиб қўйилганлигини эълон қилди.

ЮКС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БЕЛГРАД. (ТАСС). Бу ерда Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленумда мамлакатнинг актуал иқтисодий проблемалари кўриб чиқилди.

ЮКС Марказий Комитети Президиумининг Раиси С. Дороньский пленумда доклад қилди. У Югославиянинг иқтисодий тараққиётидаги ижобий омилларни кўрсатиб ўтди. Бу ижобий омиллар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсишида, саноат маҳсулотини экспорт қилишнинг кўпайишида ўз ифодасини топди. Шунга қарамай, деди у, жумладан, жаҳон бозорида ноқулай вазиятнинг вужудга келганлиги сабабли ташқи савдони ривожлантиришда Югославия экономикаси жиддий проблемаларга ҳамон дуч келмоқда.

Пленумда қабул қилинган қарорда актуал иқтисодий вазифаларни амалга ошириш соҳасида ЮКС XI съезднинг қарорлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилади. Коммунистлар, деб таъкидланади қарорда, экономиканы янада юксалтириш учун олиб борилаётган курашнинг олдинги сафларида боришлари лозим.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ, 1 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтида «Тракторэкспорт» совет ташқи савдо бирлашмаси билан Ҳиндистон давлат фермалари корпорацияси вакиллари ўртасида СК-5«Нива» дон йиғиштириш комбайнлари туркумини харид қилиш тўғрисида контракт имзоланди.

Ҳиндистонлик мутахассислар совет қишлоқ хўжалик техникасининг самарадорлиги ва пухталигини юксак даражада қадрламоқдалар. Ҳозирги вақтда мамлакат далаларида қарийб 35 минута совет тракторлари, 140 та комбайн, «СССРда тайёрланган» деган тамға қўйилган бошқа кўпгина машиналар ишлаб турибди. Ғазиоободдаги (Уттар-Прадеш штати) завод «Т-25» ва «Т-25 А» тракторларини совет лицензияси асосида тайёрлаб чиқармоқда.

Ҳиндистоннинг Панжоб, Ражастхан, Хариана, Орисса, Карнатака ва Керала штатларида СССРнинг ёрдами билан барпо этилган давлат қишлоқ хўжалик фермаларининг машина паркига буғдой ва шоли йиғиштириб оладиган янги комбайнлар келиб қўшилмоқда. Юқори сифатли уруғлик дон етиштиришга ихтисослаштирилган ана шу хўжаликларнинг далаларида совет машина-ускуналаридан кенг фойдаланилмоқда.

Совет Иттифоқининг кўмагида ташкил этилган қишлоқ хўжалик фермалари Ҳиндистонда намунали хўжаликлар сифатида танилмоқда. Яқин йиллар ичида Бихар, Гужарат, Нагаленд ва Мадҳя-Прадеш штатларида шундай фермалар ташкил этиш планлаштирилмоқда.

Ҳиндистон матбуоти, мамлакатнинг сиёсий ва жамоат арбоблари миллий экономиканинг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида СССР билан ҳамкорлик қилиш ғоят самарали эканлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар. Совет Иттифоқи дон ва мойли экинлар етиштиришни кўпайтиришда, чорвачиликни ривожлантиришда Ҳиндистонга ёрдам бермоқда. Уз навбатида Ҳиндистон СССРга гуруч, чой, кофе, тамаки ва бошқа бир қанча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бермоқда.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта танёрлашнинг борими тўғрисида шу йил 1 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Бўка	96,91	103,70
Ғалаба	93,02	93,13
Пискент	83,33	89,22
Бекобод	83,05	67,44
Оққўрғон	80,72	70,53
Янгийўл	78,64	65,95
Чиноз	78,64	74,26
Коммунистик	69,70	61,42
Ўрта Чирчиқ	62,59	62,57
БУХОРО ОБЛАСТИ		
РОМИТАН	109,91	63,80
Ғиждувон	92,00	47,33
Пешқу	88,94	44,71
Қизилтепа	70,29	48,78
Шофиркон	68,73	47,89
Вобкент	65,32	45,75
Олот	63,61	22,80
Навбаҳор	61,71	25,33
Бухоро	59,51	12,67
Свердлов	55,96	20,28
Қоровўл	50,28	16,20
Назоқий	46,27	23,27
Когон	41,29	12,59
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шаҳрисабз	83,84	49,10
Қамаши	81,13	40,52
Толлимаржон	75,93	75,03
Китоб	75,44	48,54
Ғузор	72,34	37,23
Яккабоғ	72,13	35,88
Муборак	72,04	56,89
Чироқчи	69,40	46,04
Косон	64,57	47,02
Баҳористон	60,77	46,70
Нишон	58,48	53,08
Қарши	56,70	36,16
Ульянов	43,35	28,27
Усмон Юсупов	40,21	31,87
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шўрчи	83,08	61,78
Бойсун	80,30	62,42
Сариосиё	78,67	59,41
Қумқўрғон	68,88	52,13
Денов	68,41	45,56
Ленин йўли	58,76	65,61
Ангор	52,85	33,35
Жарқўрғон	49,58	21,12
Термиз	45,94	9,07
Гагарин	42,67	41,56
Шеробод	41,32	32,03
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Киров	73,21	36,09
Бувайда	62,94	33,83
Ўзбекистон	62,50	43,49
Ленинград	60,93	26,83
Риштон	54,19	24,59
Қува	52,49	21,21
Бағдод	48,46	25,27
Фрунзе	47,51	34,99
Тошлоқ	44,55	15,32
Охунбобоев	43,42	12,59
Қувасой шаҳри	43,23	16,65
Олтиариқ	41,66	12,97
Фарғона	41,29	14,95
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Октябрь	59,58	58,00
Жиззах	58,54	46,13
Зарбдор	53,36	48,83
Арнасой	52,85	55,65
Пахтакор	51,45	49,94
Дўстлик	49,03	57,07
Мирзачўл	41,54	45,56
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Каттақўрғон	66,38	41,09
Нарпай	58,58	29,30
Хатирчи	54,04	33,09
Иштихон	53,55	26,39
Пахтачи	51,17	46,02
Пастдарғом	47,18	24,87
Булунғур	43,57	8,29
Оқдарё	43,09	18,93
Большевистик	42,70	16,87
Жомбой	37,10	19,69
Пайариқ	36,58	13,34
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хива	58,16	25,21
Хонқа	55,69	38,00
Урганч	49,91	27,43
Янгиариқ	47,74	36,16
Гурлан	46,95	27,30
Ҳазорасп	46,71	26,08
Қўшкўпир	45,62	25,79
Шовот	42,86	21,60
Боғот	40,43	25,34
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ильич	67,03	75,29
Меҳнатобод	57,79	64,32
Комсомол	55,89	55,13
Гулистон	55,53	59,75
Боёвут	47,62	53,04
Ворошилов	47,38	49,47
Сирдарё	45,61	39,08
Ховос	38,44	37,00
Оқолтин	23,48	27,09
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Комсомолобод	76,55	62,70
Ленин	56,70	7,97
Андижон	51,57	11,70
Олтинкўл	51,01	15,48
Марҳамат	45,85	15,87
Москва	44,57	19,12
Избоскан	44,33	21,25
Бўз	44,20	46,96
Хўжаобод	42,03	5,50
Пахтаобод	40,15	7,51
Балиқчи	35,60	13,11
Жалолқудуқ	27,78	7,56
Қўрғонтепа	25,94	8,49
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Элликқалъа	54,85	40,20
Тўрткўл	54,54	20,20
Нукус	51,72	43,73
Хўжайли	47,62	45,65
Шуманай	46,26	40,01
Беруний	45,36	28,38
Ленинобод	44,27	43,56
Қораўзак	41,19	39,75
Амударё	39,54	25,82
Қўнғирот	38,76	26,57
Чимбой	32,80	36,61

АХБОРОТ

БЕШ ЙИЛЛИК ТАЙЕР

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол қатнашаётган Олтиариқ момиқ фабрикаси коллективи ўнинчи беш йиллик маррасига етди. Ишчан коллектив пландаги 2 миллион 824 минг сўм ўрнига 2 миллион 921 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу ютуққа фабрика ишчи-хизматчилари резервлардан оқилона фойдаланиш, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, тежамкорлик режимига қатъий амал қилиш туфайли эришдилар.

Корхона коллективи якунловчи йил охирига қадар яна 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мажбуриятини олди.

Т. УМАРОВ.

Фарғона области.

ЯНГИ КОМПЛЕКС ЛОЙИҲАСИ

Чирчиқ дарёси билан «Роҳат» кўли оралиғида янги бир иншоот қад кўтаради. Республика табиатни муҳофаза қилиш жамияти комплекси бўладиган бу иншоотни «Тошгипрогор» лойиҳалаш институти меъморлари лойиҳалаштиришди. Комплекснинг умумий майдони 53,3 гектар бўлиб, унинг 24,3 гектарлик дастлабки навбати келгуси йилдаёқ ишга туширилиши мўлжалланган.

Комплексда асаларичилик ишқибозлари ва республика «Нептун» болалар клублари, теплица, балик уруғитиш ҳавзалари, ноёб қушлар кўлайтириш марказлари иш олиб боради.

И. АҲМЕТОВ.

Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН ЙУЛСОЗЛАРИ СИБИРДА

Республика Автомобиль транспорти министрлигида янги ташкилот — «Ўзтюмендорстрой» трести тузилди. Трест Ғарбий Сибирнинг асосий нефть-газ райони — Тюмень областида янги автомобиль йўллари қуриш билан шуғулланади. Республика йўлсозлари ўн биринчи беш йилликда сибирликларга ўнлаб километр асфальт ва бетон йўллар қуриб беради. Қўйлиқ эксперименталь заводида тайёрланаётган темир-бетон конструкцияларнинг дастлабки туркумлари ва республикамиз йўлсозларининг бир неча отряди бу умумхалқ қурилиши майдонларига йўл олди.

А. ВАЛУЙСКИЙ.

* * *

Шунингдек, фарғоналик **М. Маҳмудов**, наманганлик **С. Даминов, В. Усмонов, М. Ғаффоров**, қашқадарёлик **Б. Эл-муродов**, самарқандлик **Э. Ғуломов**, андижонлик **К. Нишонов**, жиззахлик **И. Маҳкамов** ва бошқа ўтроқлар ҳам саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида эришиаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи турли хил хатхабарлар йўллашган.

ХАВФСИЗЛИК ҚУРИГИ

Бугун йўлларда ҳаракат хавфсизлиги Бутуниттифоқ кўриги бошланди. Бир ой давом этадиган бу кўрик транспорт қатнови бехатарлигини таъминлашда, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда, кўнгилсиз ҳодисаларни камайтиришда муҳим омил бўлмоғи керак.

Кўрикни ўтказишдан мақсад автохўжаликларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, шахсий транспорт эгаларининг, автомото ҳаваскорлар кўнгилли жамияти аъзоларининг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишларига эришиш, пиёдаларнинг турли кўнгилсизликлар, транспорт аварияларига сабаб бўлишларига йўл қўймаслик ва шу орқали йўл транспорт ҳодисаларини мумкин қадар камайтиришдан иборат.

Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўриги давомида транспорт воситаларининг соз-лигига, техник жиҳатдан нобоп машиналарининг ишлатилмаслигига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Б. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги давлат автоинспекцияси бошқармасининг ходими.

МИТТИ МЕХАНИЗМЛАР КЎРГАЗМАСИ

СССР ва Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги ташқи савдо оборот сўнгги 30 йил давомида анча кўпайди. Савдо оборотининг йиллик ҳажми анча ошди. Айниқса, машинасозлик соҳасида товар оборот муҳим ўрин эгалламоқда.

Чехословакия ташқи савдосининг энг йирик корхонаси бўлган Мотоков автомобиль ва қишлоқ хўжалик техникаси савдо-сотиғига катта ҳисса қўшмоқда. Бу корхона ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик машиналари РСФСРнинг кўпчилик областларида, Белоруссия, Украина, Болтиқ бўйи республикалари далаларида, шунингдек, Иттифоқимиздаги қишлоқ хўжалик ва илмий-тадқиқот институтларида ишлаб турибди.

Кеча Тошкент қишлоқ хўжалик институтида Чехословакиянинг Мотоков корхонаси ишлаб чиқарган машиналар кўргазмаси очилди.

Томошабинларнинг диққатини ўзига тортган ва ўн уч от кучига эга бўлган ТЗ-4К-14 митти трактори — мевазорлар, ўрмонзорлар, узумзорлар, истироҳат боғлари ва саноат корхоналарининг ичидаги юмушларни бажаришга мўлжалланган. Бу митти тракторга плуг, беда, пичан ўрадиган ўроқ, культиватор, тележка каби ўнга яқин агрегат тиркалади.

Лавлаги япроғини ўриш ва лавлаги ҳосилини йиғиб-териб оладиган 6 қаторли «ОРЦС» ўзи юрар агрегати қишлоқ хўжалигида жуда кўп ишларни бажаради. У бир соатда 1,1 гектар майдондаги лавлаги ҳосилини йиғиб олади. Бу агрегатнинг уч қаторлиги билан эса бир соатда уч гектар майдондаги лавлаги ҳосилини йиғиб олиш мумкин. Агрегат лавлаги қатор ораларига ишлов беришда ҳам кенг қўлланилади. Бу агрегат чет эллардаги қишлоқ хўжалиги машиналари кўргазмаларида ҳам юқори баҳоланган эди.

Мотоков корхонаси ишлаб чиқарган «Терра» деб аталган «МИ 5» агрегати ҳам томошабинлар диққатига сазовор бўлаётир. Колхоз, совхоз боғлари, уруғчилик станциялари ва шахсий томорқаларда ишлатиладиган бу митти агрегатга ҳам ўт ўрадиган, ер юмшатадиган, гулзор ва бошқа нозик экинларга ишлов берадиган, жўяк оладиган мосламалар, культиваторлар, борона, тележка, роторли ўроқ, роторли қор тозалагич ва бошқа турли мосламалар тиркалиб, қишлоқ хўжалик ишлари бажарилади.

Ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 110 мамлакатига чиқараётган Мотоков корхонаси СССРнинг энг йирик савдо шерикларидан биридир. Унинг маҳсулотлари мамлакатимизда кенг қўлланилмоқда ва қардош халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Р. ИСҲОҚОВ.

БАМ қурувчиларига

Андижон областидаги «Савай» станциясида долзарб палла бошланди. Темир йўл вагонларига бирин-кетин янги сабзавот, ҳўл мева ортилмоқда. Маҳсулот етиштириб берувчилар орасида Кўрғонтепа районидаги Навоий номли колхоз сабзавоткорлари ҳам бор. Улар Байкал-Амур магистрали қурувчиларига кечки пиёз жўната бошладилар. Бу хўжаликнинг далаларида мўл ҳосил етиштирилган. Ҳар гектар ердан 260 центнер, яъни мўлжалдагидан 10 центнер кўп пиёз олинмоқда. Андижон областининг сабзавоткорлари йил бошидан буён мамлакатнинг саноат марказларига, Узоқ Шарққа, БАМ қурувчиларига 53 минг тоннадан ортиқ мева ва сабзавот жўнатдилар. (ЎзТАГ).

Суратда. Бухоро шаҳрида очилган Абу Али ибн Сино номли маданият саройи.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

НАФС БАЛОСИ

Гўзал, серфайз турмушимизга назар ташлаган киши ҳамма жойда ижодий, бунёдкорлик меҳнати қулоқдек қайнаб турганини кўриб мамнун бўлади. Чиндан ҳам яратиш, бунёд этиш иштиёқи билан яшаётган кишиларга ҳамма жойда дуч келамиз. Аммо, шу билан бирга баъзи шахслар томонидан содир бўлаётган кўнгилсиз воқеалар дилингизни ранжитади. Давримиз моҳиятига бутунлай зид ҳол бўлган шахсий бойлик орттириш кетидан қувиш, хусусий мулкчилик, молпарастлик, шахсий манфаат учун ғурур ва ифтихор туйғуларини барбод қилиш сингари иллатлар аҳён-аҳёнда бўлса ҳам кўзга ташланиб турибди.

Қўқон шаҳридаги «Правда» кўчаси 44-уйда яшайдиган Баҳри Кониев худди ана шундай нусхалардан бири бўлиб чиқди. У Қўқондаги аҳолига хизмат кўрсатадиган махсус автокорхонада шофер бўлиб ишлаб, дурустгина маош олаётганига қарамай, қийғир йўллар билан текин пул ишлашга ружу қўйди. У олис шаҳарларда улгуржи савдо қилишни ўзига касб қилиб олган Ленинград районлик А. Ражабов деган шахс билан осонгина тил топишиб қолди. Ражабов унга: «Машинангни тўппа-тўғри Оренбургга қараб ҳайдайсан. Ҳозирча манавини хамир учидан патир деб бил», деб Кониевнинг қўлига 756 сўм тутқазди. Баҳри Кониев мўмай пулни кўргач, ўзини йўқотиб қўйди, 4 тонна узумни 17 — 72 ФЕЗ номерли автомашинасига юклаб, «Оренбург қайдасан?» деб йўлга равона бўлди. Аммо бу «сафар» узумфуруш А. Ражабов билан учар шофер Кониевнинг ўйлаганича бўлиб чиқмади. Маъмуриятнинг рухсатисиз осон йўл билан пачка-пачка пул ишлаб олиш иштиёқида иш тутган шофер Б. Кониев ҳам, текинхўрликни касб қилиб олган чайқовчи Ражабов ҳам кўп кўз ёшн тўкиб ох-воҳ қилишди. Лекин бунинг нафи бўлмади, улаага қарашли 4 тонна узум тайёрлаш идорасига бериб юборилди. Қўқонлик Каримов деган узумфуруш билан тил бириктириб хамир учидан патир деб аванс тарикасида 500 сўм пул олган шу автобазанинг шофери Т. Давадян ҳам машинасига 4 тонна узумни босиб, Б. Кониев билан кетма-кет Оренбург шаҳрига йўл олган эди. Бу ерга етиб келгач, Кониевнинг куни унинг ҳам бошига тушди.

Давлат машинасини ўз шахсий манфаатига ишлатишга одатланиб қолган бу икки олғир шофер ўз қилмишлари учун тегишли жавоб беришлари турган гап. Аммо шу ўринда газетхонларда «Қўқондаги мазкур автокорхона раҳбарлари нега бундай ишга йўл қўйишди экан, нима учун улар автобазада ички тартиб-интизомнинг бузилишига эътиборсизлик билан қарамоқдалар ёки давлат транспортини ўзиники қилиб олган олғирларнинг бу қилмишидан улар ҳам манфаатдормикан?» деган ҳаққоний савол туғилиши табиий.

Давлат транспортини баъзи бир эркатойлар қўлига шахсий мулкдек тутқазиб қўйган Тошкентдаги 2503-автохўжалик раҳбарларининг «саховати»га ҳам тан бермай илож йўқ. Шу автобазанинг шофери, 20—34 номерли юк машинаси ҳайдовчиси А. Аллаев якинда Тошлоқ районига келиб, «Машинам зўр, ўзим истаган шаҳарга бора оламан. Қани, талабгорлар борми?» деб сўраб қолди. Талабгор ҳам тайёр экан. 5 тонна помидор билан Нукус томон йўлга чиққан бу машина милиция ходимлари томонидан тўхатилганда кейнингина шофер А. Аллаев шаштидан тушди... Тошкентдаги 2502-автокорхонанинг «ЗИЛ—130» маркали автомашиналарини бошқарувчи шоферлари Қ. Назаров билан Н. Омоновлар ҳам ўз ҳамкасблари А. Аллаевдан қолишмайдиганлар экан. Улар чайқовчиларнан аванс тарикасида 500 сўмдан нақд пул санаб олиб, ўзлари бошқарган машиналарга 5 тоннадан ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини юклаб, олис шаҳарларга йўлга чиқишди. «Чап чўтак»нинг ҳавосини олган бу шоферлар меҳнат интизомини сира ҳам олмайдиган «шоввоз»лардан эканлиги маълум бўлди. Ана шу олғирлар ишлаётган автокорхона раҳбарларининг валломатлиги сири нимада экан?

Пулга, мол-дунёга, мўмайтекин даромадга ҳирс кўйиш кишини эл-юрт олдида обрўсидан айрилиши, қадр-қимматини бир пул қилиши ҳеч гап эмас. М. Қосимов деган киши эгнига оқ халат, бошига оқ калпоқ кийиб олиб, «Мен ошпазман» деб ҳеч кимга гап бермай, кераклиб юрар эди. Якинда ўтказилган рейд пайтида унинг ҳам бошқа «касби» борлиги маълум бўлиб қолди. У Свердловск шаҳрида 500 килограмм помидор билан чайқов қилаётганида қўлга тушди. Риштон районидаги «Сўх» совхозининг ишчиси 27 ёшли Хўжақурбон Нишонбоев эса кучини совхоз даласида мўл ҳосил етиштиришга эмас, чўнтагини қаппайтиришга сарфлаяпти. У ҳам Свердловск шаҳрида 500 килограмм ўрик билан қўлга тушди.

Инсоний ҳис-туйғулардан, гражданлик ғуруридан айрилиб, ана шу иллатлар ботқоғига ботиб қолган кишилардан яна бири И. Фармонов бўлди. Унинг асл касби ўқитувчилик эди. Афсуски, у кейинги пайтларда пул топишнинг осон йўлини қидирадиган бўлиб қолди. Ёз келиши билан бошқа шаҳарларга танда қўйиб, чайқовчилик билан шуғуллана бошлади. Бу янги касб ўзини шармандан-шармисор қилишини сира ўйламади.

Фарғона область ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари ходимлари кенг жамоатчилик мададига таяниб, чайқовчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши жиддий кураш олиб бориб, «оқ олтин» ўлкаси ва унинг олтин қўлли кишилари шаънига доғ тушириб Шимолий районлардаги бошқа шаҳарларда изгиб юрган олиб сотарларнинг танобини тортиб қўймоқда. Шу йўл билан ёз ойларида ўнлаб чайқовчилар узоқ шаҳарларга олиб бориб сотишга уринган 2 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўганлари ва колхоз бозорларига топшириб юборилди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бошқа шаҳар ва районларга бориб, мевафурушлик қилаётган шахсларнинг аксарияти текширишда ўзларининг колхозчи ёки совхоз ишчилари эканликларини айтмоқдалар. Колхоз ва совхоз раҳбарлари текин пул топиш учун юз тубан кетган бундай шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш ўрнига уларнинг кўйни-қўйнини ҳар хил сохта ҳужжатлар, справкалар билан тўлдириб кўйгани кишини ажаблантиради.

Қийғир ишнинг қийиғи чикиши аниқ. Чайқовчилик узоққа бормайдиган «ҳунар». Бу хато йўлга кириб қолган шахслар жамоатчилик газабидан асло қочиб қутула олмайдилар.

О. ФОЗИЛОВ,
Фарғона область ички ишлар бошқармаси бошлиғи, ички ишлар полковники.

ЯНГИ ҚУШИҚЛАР

Уткир РАШИД.

КЕЛМАДИНГ

Ер қулоғимга овозинг келди-ю сен келмадинг,
Жонга ором сўз-розинг келди-ю сен келмадинг,

Дарчадан бир боқдинг-у ботдинг уфққа ой каби,
Бу қарашинг бирла нозинг келди-ю сен келмадинг,

Дилбар гулгун жамолингни кўрай деб орзиқиб.
Боқ, десам, боқмай аразинг келди-ю сен келмадинг.

Кирмайин кулбамга сен қўшним уйин обод этиб,
Куйладинг, куйинг-у созинг келдию сен келмадинг.

Не учундир бу фироқ деб куй билан бердим савол,
Куйладинг, куйинг-ла арзинг келди-ю сен келмадинг.

Нолима ёрингдан, Уткир, боқмадинг девор ошиб,
Ваъда айлаб сарви нозинг келди-ю сен келмадинг.

ЧЎЛ ҚЎШИҒИ

Юрдик Қарши чўлида,
Илон изи йўлида.
Хамир каби ийланар,
Тупроқ одам қўлида.

Чўлда дарё тутилди,
Дарё чоки ситилди.
Юрак бағри куйган чўл,
Ташналикдан қутилди.

Чўлга келиб мард элим,
Ерни қилди минг тилим.
Тўлиб дарё соқили,
Сув оқади лиммо-лим.

Бордик чўлга ёр билан,
Чўлқувар ҳамкор билан,
Чўлга-ку тўй-тўй келди,
Ёр билан, дутор билан.

Юрдик Қарши чўлида,
Баҳор юрган йўлида,
Пахтага кон бўлибди,
Чўл одамлар қўлида.

СПОРТ

ШАХМАТ:

Олий лигани кўзлаб

БУГУН ТОШКЕНТДА МАМЛАКАТ 48-ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БОШЛАНАДИ

Республикамиз пойтахтига мамлакатнинг турли бурчакларидан дона суриш устаси меҳмон бўлиб келдилар. Улар қарийб бир ой мобайнида СССР чемпиони номи учун ўзаро баҳслашадилар. Бугун В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг маданият саройида биринчи гирда бўйича СССР чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлади.

Мухлислар таниқли шахматчи, жаҳон чемпиони Майя Чибурданидзе ҳамда халқаро гроссмейстерлар А. Белявский, О. Романишин ва И. Дорфманларнинг ўйинларини кўришга муяссар бўладилар. Шунингдек, мусобақада одесслик шахматчилардан В. Тукмаков, К. Лернер, В. Эйнгорнлар, москвалик Ю. Разуваев билан С. Долматов ҳамда К. Григорянлар иштирок этадилар. Ворошиловградлик Г. Кузьмин, сочилик Н. Рашковский, челябинсклик Е. Свешников, киевлик И. Платонов, горькийлик А. Ивановлар ҳам чемпионлик учун курашадилар. Мусобақада республикамиз спорт шарафини СССР спорт мастери Г. Аъзамов ҳимоя қилади.

Мусобақа якунида муваффақият қозонган қолиблардан тўрт нафари олий лигага йўлланма олади. Улар декабрь — январь ойларида Вильнюсда ўтказиладиган СССР чемпионатида иштирок этиш имкониятига эга бўладилар. Мусобақада 5—12 ўринларни эгаллаган шахматчилар эса келаси йили мамлакат чемпионати саралаш ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Шахматчиларнинг дона суриш баҳслари 29 октябрга қадар давом этиши кўзда тутилган.

Б. КАНИШЧИКЕР,
Бутуниттифоқ тоифасидаги судья.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ҚОНТОРАСИ
ТЕЗ КУНДА

«ДЮМА КАВКАЗДА»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи — Реваз ГАБРИАДЗЕ.
Постановкачи-режиссёр — Ҳасан ҲОЖҚОСИМОВ.
Ролларда: Карл СЕБРИС, Виктор ПАВЛОВ, Владимир ЭТУШ, Кахи КАВСАДЗЕ ва бошқалар қатнашадилар.

Мазкур картина — улуғ француз ёзувчиси ва драматурги Александр Дюма (отаси) ҳақидаги кулгига бой комедия бўлиб, унда ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаги Дюманинг Кавказ бўйлаб қилган сафари давомида қайсар черкес қизини қандай қилиб йўлга солгани ва икки севишган ёшнинг қовушувига ёрдам бергани ҳақида ҳикоя қилинади.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1980—81 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар камида бир йил узлуксиз иш стажига эга бўлишлари керак. Ўқишга юборилиадиган колхозчилар шу колхоз учун белгиланган йиллик меҳнат куни минимумини бажарган бўлишлари керак.

1980 ЙИЛДА КУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Умумий экономика мутахассислигига ўқишга кирувчилар билан математика ва географиядан суҳбат ўтказилади (ўқиш Тошкент ва Андижон шаҳарларида бўлади). Товаршунослик ва савдони ташкил қилиш мутахассислигига кирувчилар билан математика ва химиядан суҳбат ўтказилади (ўқиш Тошкент шаҳрида). Иқтисодий кибернетика мутахассислигига кирувчилар билан математика ва тириҳдан суҳбат ўтказилади (ўқиш Тошкент шаҳрида).

Тингловчиларга стипендия тўланади, муҳтожлар ётоқхона билан таъминланади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тамомлаганлар институтнинг биринчи курсига конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидагиларни топширадилар: институт ректори номига ариза, иш жойидан ёки хизмат қилган жойидан йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), характеристика, 8 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), медицина справкаси (286-форма), меҳнат (колхоз) дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар — 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат ва тайёрлов бўлимига қабул — 11 ноябрдан 25 ноябргача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 8 ой.

Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро областларидан келиб ўқишга кирувчилар ҳужжатларини Андижон шаҳри, Фрунзе кўчаси, 19-уй (институт филиали)га топширадилар ва шу ерда ўқийдилар.

Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм областлари, Қорақалпоғистон АССРдан келганлар ҳужжатларини Тошкент шаҳрида топширадилар ва шу ерда ўқийдилар.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри-63, Олмазор кўчаси, 183-уй.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/Х да **Нодирабегим**, 3/Х да **Шошма**, **қуёш**, 4/Х да **Абу Али ибн Сино**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/Х да **Нурхон**, 3/Х да **Тўйдан олдин томоша**, 4/Х да **Хўжайин**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

4 октябрь соат 19.00 да СССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати

Шукур БУРХОНОВ

туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган

ТАНТАНАЛИ КЕЧА ЎТКАЗИЛАДИ

Кириш таклифномалар билан.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходимлар (фан кандидатлари) — **ботаниклар**: глицирризинли ўсимликлар, сапонинли ўсимликлар;
кичик илмий ходимлар — ботаниклар: хомашёбоп ўсимликларни излаш, палеоботаника.

Конкурс муддати — 13 октябргача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй.

«Спецэлеватормельстрой» трести кадрлар бўлимининг ўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ВЦСПСнинг «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БУТУНИТТИФОҚ МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: техника хавфсизлиги (фан доктори ёки кандидати);
катта илмий ходимлар: саноат вентиляцияси ва ҳавони кондиционлаштириш (фан кандидати), техника хавфсизлиги (илмий даражасиз);
кичик илмий ходим: саноат вентиляцияси ва ҳавони кондиционлаштириш.

КОНКУРС МУДДАТИ — 11 ОКТЯБРГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Камарнисо кўчаси, 37-уй (10, 28, 34, 49-автобуслар-нинг «Медиклар шаҳарчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ботаника ихтисоси бўйича (паст ўсимликлар) умумий альнология лабораториясига кичик илмий ходим

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 16 октябргача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент-143, Академиклар шаҳарчаси.

Халқлар дўстлиги ордени-ли Тошкент қишлоқ хўжалик институти коллективи сиртқи факультетининг катта методисти Т. Юсуповга онаси

Хайринисо ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.35 — Гимнастика. 10.00 — Горичилар, қаердасиз! 10.30 — Мультфильм. 10.40 — Крошнинг таътиллари. Бадиий фильм, 2-серия. 11.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Концерт. 17.00 — Уфқ. 18.00 — Халқ чолғуларининг овози. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ю. Казаков. Ҳикоялар. 20.00 — Футбол. УЕФА кубоги. «Динамо» (М) — «Локерен» (Бельгия). «Левски-Спартак» — «Динамо» (К). 21.30 — Время. 22.05 — Музикали программа. 23.00 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ўйлаб топ. 12.30—Жамилтшунослик. 13.00 — Ўрмонлар, тоғлар ортида. Бадиий фильм. 18.20 — Ешлик. 19.00 — Янгил атлетика. СССР чемпионати. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фан программаси. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05—Чорвачилик зарбдор фронт. 22.25 — Совет киноси усталари. Ш. Бурхонов.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25—Эстетика асослари. 21.05 — Ҳужжатли фильм. 21.20 — Беш йилликнинг якунловчи йилига зарбдор меҳнатимиз. 21.50 — Ўзбекистонда совет музикасининг Бутуниттифоқ фестивали.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — М. Дадабоева ва Э. Лутфуллаев ижро этади. 9.30 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 12.10 — Ўзбекистон ашулари. 13.30— Э. Пьеха ва Л. Лещенко бугун сиз билан. 14.00 — Комсомолободликлар ибрати. 15.00— Олис масофаларда ва муражкаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун концерт. 18.30 — Депутатлик иши. 18.40 — «Ешлик». 19.45 — Чанг ижроси учун пьесалар. 20.25 —Концерт. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Чаноқдаги кўнгил. Радиокомпозиция. 21.20 — Концерт. 22.30 — Музикали салом. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси —32-55-70, халқаро ҳаёт —32-54-14, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат —33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-04 Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03259. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 227. 6